Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва савдонинг сифат учун юридик жавобгарлигига катта аҳамият берилади. Шунингдек ишлаб чиқарувчи ва

савдо корхонаси қонунга биноан яроқсиз маҳсулотдан фойдалангани туфайли истеъмолчи кўрган талафотни тулдириши керак. Улар маҳсулотнинг атроф-мухитга қилган таъсири ва маҳсулотнинг амалий фойдаланишдаги хавфсизлиги учун ҳам жавобгардир.

2.Япониядаги сифатни бошқариш тизимлари. 70-йиллар бошида Япония товарларининг халқаро бозорни "босиб олиши" бошланди. Бу "босишнинг" сабабларидан бири шундаки, япон товарлари арзонроқ эди. Бу баҳо рақобатига сезиларли таъсир қилган эди. Лекин ҳозир ҳам япон ва америка товарларининг нархлари деярли бараварлашганда «босиш» муваффақиятли давом этмоқда. Бу муваффақиятнинг асосида сифати юқори бўлгани туфайли япон товарларининг рақобатбардошлиги (сифат рақобати) ётади. Масалан, япон автомобили ўрта хисобда америка автомобилдан 10 марта камроқ ишдан чиқади; америка телевизорларининг носозлик частотаси япон телевизорларидан 1,5...2 баравар ортиқроқ ва ҳ.к.

Рақобатбардош товарларни чиқариш учун япон фирмалар сифатни бошқариш усулларини мунтазам равишда такомиллаштирадилар. Фирмаларнинг кўпчилигида сифатни бошқариш қўйидаги тамойилларда тузилган:

- сифат бўйича умумфирма сиёсатини ўтказиш ва уни узоқ муддатга режалаштириш;
- товарларнинг янги турларини ишлаб чиқишда янги тамойил ва усулларни қўллаш;
- фирманинг барча бўлинмаларини камраб оладиган сифатни таъминлаш тизимини яратиш;
- сифат устидан назорат;
- сифатни бошқариш бўйича фаолиятни савдо агентлари, савдо фирмалари, дўконларга тарқатиш.

Японияда сифатни бошқаришнинг ўзига хослиги — фирманинг барча ходимлари бу ишда **қатнашишининг ихтиёрийлиги**, бунинг устига дунё бозоридаги рақобат курашида омон қолишга кўмаклашадиган анланган ихтиёрийликдир. Сифатни бошқаришга бундай ёндашиш "умумий сифат бошқариши" деган ном олди. Унинг мохияти қўйидагича:

- маҳсулот сифатини яхшилашда "сифат тугаракларига" бирлашиб, фирманинг барча ходимлари қатнашиши шарт;
- фирма раҳбарияти сифат даражасини доим диагностика ва назорат қилиши шарт;

- ҳамма иш ўринларида назоратнинг статистик усуллари қўлланиши керак
- доим сифатни назорат қилиш усуллари барча даражаларда миллий миқёсда ўргатиш лозим;
- сифатни назорат қилиш усуллари татбиқ этиш ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олиши керак.

Шундай қилиб, япон тизимининг муваффақияти сифат назорати штат назоратчилари ҳаракатлари билан эмас, балки фирманинг барча ходимлари ўз иш жойида қилган ҳаракатлари билан таъминланганлигидадир.

Бош йўналиш — "сифат — ҳамма нарсадан устун". Шунини айтиб ўтиш керакки, маҳсулот сифатини таъминлашдаги муваффақиятлар япон жамятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ:

- ходимнинг бутун меҳнат фаолияти давомида битта фирмада ишлаш одати, бу фирмага содиқликни тарбиялайди ва иш кучининг қунумсизлиги даражаси пастлигига олиб келади (кадрлар қунумсизлиги — сифат душмани);
- мажбурий таълим ғояси, умумий ва касбий таълим даражасини мунтазам ошириб боришнинг оммавийлигидир.

3.Маҳсулот сифатини бошқаришда Европа усули шуниси билан бошқа усуллардан фарқ қилганки, доимо маҳсулот сифати назорат остида бўлган. 1980 йилларга келиб Европа давлатларида маҳсулот сифатига назорат қаттиқ кучайтирилди. Айнан шу йилларда ИСО - 9000 стандартлари ёппасига тадбиқ этила бошлади.Бундай тадбирлар Европа таварларини рақобатбардошлигини ошириб юборди.

Шунини алоҳида такидлаш лозим бўладики, айниқса ғарбий Европа давлатларининг ягона иқтисдий сиёсат юритишлари уларни халқаро бозордаги мавқеини юксалтирди.

Европада ташкил қилинган ягона бозор сиёсати тавар ва хизматлар ҳаракатини умумий координациясини келтириб чиқарди.

Европанинг умумий бозорини ташкил қилиш масалалари 1993 йил 1 январдан ягона стандарт асосида ташкил қилиниши режалаштирилган эди. ИСО - 9000 сериясига мувофиқ равишда Европанинг EN - 29000 сериялик стандартлари ташкил этилди.

Маҳсулот ва хизматларни сертификациялашга ҳам катта эътибор қаратилди.

Европанинг EN - 45000 сериясига мувофиқ олиб борилган барча ишлар юксак сифат даражасини кафолатлаш билан бирга миллионлаб истеъмолчилар

хуқуқларини химоялашга қаратилган эди.

Европа бозорларини халқаро стандартларга мос равишда ишлашнинг тўла таъминлаш учун маҳсулот ва хизматларни мунтазам равишда сертификациялаш билан бирга, ходимлар малакасини оширишга ва техника - технология ўз вақтида аккредитациядан ўтказилиб борди. Булардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарувчилар сифат учун ўз сиёсатларини қаттиқ юрита бошладилар ва улкан ютуқларга эришдилар.

Сифат Европа давлатлари рақобатбардошлигини ошириш билан бирга қуйдаги уч факторни кўндаланг қилиб қўйди:

- Ягона иқтисодий талаб (директивалик);
- Ягона стандартлар;
- Ягона назорат турлари (корхона маҳсулоти халқаро стандартлар талабига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш учун).

1985 йилда стандартларни гормонизациялаш мақсадида хавфсизлик ва ишончлилик талаби таклиф қилинади. Европа уюшмаси томонидан асосан ИСО 9000 ва EN - 29000 сериялик стандартларга асосланган ҳолда фаолият юритадилар. Европа уюшмаси талабларига мос равишда ҳозирги кунда 16 та давлат иш юритади: Буюк Британия, Швецария, ФРГ, Австрия, Дания, Швеция, Франция, Испания, Португалия, Греция, Голландия, Финляндия, Норвегия, Ирландия ва Италия. Уюшманинг асосий мақсадикам сарф харажат эвазига юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчилар талабини тўла қондиришдир.


Уюшмага аъзо бўлишни хоҳловчи барча давлатларга бир хилда талаб қўйилган. Шу муносабат билан Европа уюшмасига аъзо бўлишни хоҳловчилар энг аввало замонавий техника ва технологияларга эътибор қаратмоқдалар. Бу ерда кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам унутилмайди.

Технология ва кадрлар тайёрлаш масалаларини муваффақиятли ҳал қилишда 1988 йил Ғарбий Европадаги 14 та йирик давлат бирлашиб “Сифат менежменти” фондини ташкил қилдилар (ЕФУК).

Сифатни бошқариш фонди билан сифат бўйича Европанинг бошқа уюшмалари ҳамкорлигида иш юритишиб сифатга оид турли мукофотлар ҳам белгилаганлар. Сифат бўйича беллашувни Европача усули ўзининг айрим жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб туради, улар:

- Барча ишларни қонун асосида олиб борилиши;
- Сифатни кафолатловчи ва баҳоловчи ҳужжатлар;
- Миллий стандартлар талаблари ва сертификатлаштиришнинг қонун ва қоидаларини уйғунлаштириш;
- Маҳсулот сифатини бошқариш ва сертификациялаш бўйича регионал ташкилотлар фаолиятини қаттиқ назорат қилиш.

Юқорида айтилганларга қарамай, узок шарқ мамлакатлари Япония, Сингапур, Гонконг, Тайвань, Жанубий Корея каби давлатлар 1950 йилларда жуда қалоқ бўлганлар, улар, Европа ва АҚШ даги ишлаб чиқариш даражасидан анча паст юрар эдилар.



1.4.1. - чизма. Маҳсулот сифат даражасини ўсиши.

Чизмадан шуни кўрамизки 1970-1980 йилларда келиб уруш оқибатида азият чеккан Япония сифат соҳасида барча ривожланган мамлакатларни орқада қолдириб кетди. 1980 йилларда Япония айрим маҳсулотлар бўйича жаҳонда шундай ютуқларга эришдики, ялпи ишлаб чиқаришни дунё бўйича 84%, видеоманитрафон 84%, соатнинг барча турлари 82%, калькуляторлар 77%, ошхона буюмлари 71%, телефон аппаратлари 66%, мотоцикл 55%, рангли телевизорлар 53 ва бошқалар.

1991-1992 йилларга келиб Японияда иқтисодий кризис бошланди ва бу савдо хажмини пасайиши билан сифат даражасини камайишига ҳам сабаб бўлди. Оқибатда Япония, АҚШ ва Европа давлатлари ишлаб чиқариш ва сифат бўйича бир-бирларига тенглаша бошладилар. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби демократик ислохотлар ва интеграллашув жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Айнан ана шундай интеграллашув натижасида бутун дунёда ягона сифат бошқарувисийёсати вужудга келди ва уни “Всеобщего управления качеством” (TQM), бу “Сифатни ҳар томонлама бошқаруви” деган шиорни ўртага ташлаш билан бошланган янги йўналиш эди. Аслида эса, мазмунан, мантиқан мулоҳаза юритар эканмиз улар бир-бировини инкор этмайди, аксинча бир-бировини тўлдирди деган хулоса келиб чиқади.

Сифат ўзгаришлари микдор ўзгаришларига ўтиши иқтисодий ривожланишнинг негизи эканига яна бир бор амин бўламиз.

Интеграллашув жараёни дунё ҳамжамиятини яқинлаштиришига қарамай АҚШ, Европа ва Япония мутахассислари фикрини ўрганиш қуйдаги жадвалда уларнинг сифат хақида ўз нуқтаий назарлари бор эканини кўрсатади.

Маҳсулот сифат даражасини аниқлашда унинг барча кўрсаткичлари хақида тўлиқ маълумот бўлиши ва хусусиятлари тахлили бўлиши шартдир.

АҚШ ва Европа	Япония
Сифат – нарх пасайишига асосланади.	Сифат – нуқсонларнинг пасайишига асосланади.
Асосий мақсад – фойда, сифат ва тасодифий категория.	Асосий мақсад – сифат, фойда ва буларни унутмаслик.
Истеъмолчилар сифат бўйича таъминотчилар билан келишувлари лозим.	Сифат бўйича истеъмолчилар билан келишув лозим.
Сифат соҳасида умумий келишув.	Ҳар бир товар сифати бўйича қатий сиёсат юритиш.

*Окропилов В.В. “Управление качеством” 1998 г. Ст. 87-99.

Жадвалдаги фикрлар бир қарашда фарқ қилиши ҳам сезилиб турибди.

Маҳсулот сифат даражасини аниқлаш маълумотларни қайси йўл билан ва қайси манбадан олинганлигига қараб икки гуруҳга бўлинади: ахборотни олиш усулига кўра ва ахборот манбасига кўра.

Ахборот олиш йўлларига кўра қуйдаги усулларга бўлинади:

Таҷриба (ўлчаш, рўйхатга олиш) усули. Бу усул олинган маълумотларни рўйхатга олиш, ўлчаш, ҳисоблаш орқали тахлил қилади. Масалан: маълум вақт ичида неча маротаба бузулди, айланди, йўл бости, таъмирланди ёки яроқлилик муддати тўғри аниқландими ва бошқалар.

Ҳисоблаш усули. Маҳсулотнинг назарий жихатдан маълум бўлган барча кўрсаткичларига таққослаган ҳолда ҳисоблаш ва текшириш асосида ҳулоса чиқарилади. Бу усул асосан маҳсулотни лойиха-конструкторлик ишлари жараёнида бажарилиб унинг ҳаётини жараёнларини - келажакни белгилайди.

Лойихалаш даврида ҳисоб-китоб, таққослаш ва синаш ишлари ўта мукамал бўлиши лозим. Лойиха даврида қўйилган арзимас хато ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этилса корхонага катта зарар келтиради.

Органолептик усуллар. Бу усул амалиётда энг қўлланилган усуллардан бўлиб, асосан озиқ-овқат, порфюмерия, турли ичимликлар ва бошқа соҳаларда қўлланади. Инсонлар сезги аъзолари кўз, тил, бурун, қулоқ орқали аниқланади. Инсонлар сезги аъзолари орқали олинган маълумотларни ишончлилик даражасини оширишда техник воситалардан ҳам фойдаланилади (микроскоп, тонометр, оваскоп ва бошқалар). Бу усулни анқ бўлишига мутахассиснинг малакаси, таҷрибаси, кўникмалари ва ўз соҳасини устаси бўлиши қўл келади.

Ахборотни олиниш манбаъсига кўра қуйдаги усулларга бўлинади:

Одатий (ананавий) усул. Техник манбалардан олинган ахборотларга суянган ҳолда маҳсулотни синов текширув натижаларини тахлил қилинади. Бу усул кўп жихатлари билан экспериментал усул ва жараёнлар билан узвийдир.

Эксперт усули. Мутахассий – экспертлар томонидан қабул қилинган ҳулосаларга асосланади. Экспертлар гуруҳига ўз ишини усталари, юқори малакали йўналиш бўйича катта таҷрибага эга бўлган кишилар жалб қилинади.

Эксперт гуруҳини ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдиради ва уни асослаб беради. Экспертлар томонидан билдирилган фикрлар жамланади ва маҳсулот сифати ҳақида умумлашган ягона хулоса қабул қилинади.

Социологик усул. Бу усулда ахборот манбаи бўлиб бевосита истеъмолчилар ёки жамоатчилик фикри ва мулоҳазалари бўлиши мумкин. Бу усул ўз номи билан кўриниб турубдики, унда сўровномалар, анкеталар ва бошқалардан фойдаланилиши мумкин. Социологик усул муҳим томони шундаки, маҳсулотнинг реал кўрсаткичлари билан бирга унинг камчиликлари ва сифатни бошқаришда кўл келувчи турли ўзгаришлар ҳам келитириб ўтилади. Бу усул маҳсулотнинг барча ҳаётий жабҳаларид ақўлланилиши мумкин.

Маҳсулот сифат даражасини аниқлаш. Маҳсулот сифат даражасини кўрсаткичлари асосан уч усулда: дифференциал, комплекс ва аралаш усулларда аниқланади.

- *Дифференциал усул* аниқ ҳисоб китоб, алоҳида кўрсаткичларининг асосий, режадаги ва норматив ҳужжатлардан фарқланиши асосида ҳисоблаб топилади. Маҳсулот сифатини нисбатан аниқлаш формуласи қуйдагича ифодаланган:

$$Q = \frac{K}{K_6}$$

Бунда: Q – маҳсулот сифати даражаси;

K – маҳсулот сифатининг мутлоқ-абсолют кўрсаткичи;

K₆ – маҳсулот сифатининг базовый абсолют кўрсаткичи.

Q=1 га тенг бўлганда маҳсулот сифат даражаси ўзгаришсиз қолганини кўрсатади. Агарда Q>1 ва Q<1, кўринишида бўлса бу ҳолда сифат даражасида ўзгариш рўй берганини кўраемиз. Маҳсулот сифат даражасини аниқлашда бир неча кўрсаткичлар ҳисобга олинади, уларда битаси асосий кўрсаткичдан паст бўлса бундай маҳсулот сифати стандартга мувофиқ эмас деб топилади.

Яна бир бир жихатни кўриш мумкинки айрим маҳсулотларни бир хусусияти асосий кўрсаткичдан юқори бўлиб, бошқасига нисбатан паст бўлса бундай ҳолда комплекс ва аралаш усуллардан ҳам фойдаланилади.

Комплекс усулда маҳсулотнинг барча муҳим кўрсаткичлари умумлаштириб сифат даражаси аниқланади. Масалан, энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб – транспорт воситаси учун тонна/км, йўловчи/км, ишлаб чиқариш унумдорлигида ишчи/соат ва ҳаказолар.

Аралаш усулда бир вақтнинг ўзида сифатнинг айрим ва комплекс кўрсаткичлари олинishi мумкин. Аралаш усулда маҳсулотнинг алоҳида кўрсаткичлари тўлалигича ёки қисман умумлаштириб олинishi мумкин. Бир вақтнинг ўзида ҳар иккала усул ҳам қўлланиши мумкин.

Илмий билиш усуллари

Диалектик

Позитив ва
норматив
усул

Иктисолиётга бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро алоқала

Позитив усул воқеа-ҳодисаларни реал ҳаётда қандай бўлса, шу ҳолича акс эттириш, норматив усул эса уларнинг ҳақиқатда қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги кишиларнинг фикр-мулоҳазалари.



штириш, стандартлаштиришнинг
асослари (2 соат)

1. Стандартлаштиришнинг илмий асослари ва тамойиллари

Стандартлаштириш — мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умуман ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолиятдир (ISO/IEC).

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб умумжаҳон ривожланишида стандартлар, стандартлаштириш масалалари, биринчи навбатда, маҳсулот ва хизматларни, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлаш, савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш ва энг муҳим ички ва ташқи бозорга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга қаратилган самарали воситага айланди.

Стандартларнинг юқори сифати — маҳсулотнинг юқори сифатини белгилайди.

Стандартлаштиришнинг жаҳон тажрибаси ва ривожланган мамлакатларда бу соҳада қилинаётган ишлар шуни кўрсатадики, Стандартларнинг юқори

сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун уларни ишлаб чиқариш босқичида қуйидаги мажбурий тамойилларни бажариш керак:

1. Тизимийлик тамойили. Техникавий тараққиёт ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи одамлар меҳнатини, меҳнат воситалари қўлланаётган жихозлар, мосламалар, асбоблар, назорат воситалари ва бошқалар мажмуини ва меҳнат предметлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланишнинг барча босқичларини ўз ичига олган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий жараёнига тизимий ёндашишнинг объектив заруратини талаб қилади.

Тизим деганда ўзаро боғланган, қўйилган мақсадга максимал самара ва энг кам харажатлар билан эришишга олиб келадиган элементлар мажмуи тушунилади. Тизим элементларининг миқдорий боғланишлари детерминантланган ёки тасодифий бўлиши мумкин. Тизимга кирган ўзаро боғланган элементлар мажмуи уларни турли даражада иерархик боғланишини кўриш мумкин бўлган тузилмасини ташкил этади.

2. Мажмуийлик ва мақбул чеклаш тамойили. Стандартларни ишлаб чиқишда Стандартлаштиришнинг охириги объектига таъсир этувчи барча асосий элементлар (омиллар) ҳисобга олиниши шарт. Стандартлаштириш бўйича ишларни камайтириш учун асосий объектга таъсири оз элементлар ҳисобга олинмайди. Стандартлаштириш пайтида тавсифлар тизими ва ўзаро боғланган моддий ва номоддий элементлар мажмуига бўлган талаблар кўрилади. Бунда элементларга бўлган талаблар Стандартлаштиришнинг асосий объектига бўлган талаблардан келиб чиқиб аниқланади. Юқори сифатли маҳсулот олишга шароитлар яратиш ва ишлаб чиқариш самарасини ошириш учун маҳсулотнинг барча ҳаётий цикллари — лойиҳалаш, серияли ишлаб чиқариш ва фойдаланишларни — қамраб оладиган рационал Стандартлар тизими зарур.

3. Стандартлар тараққийпарварлиги ва мақбуллаштириш тамойили. Стандартлар орқали жорий қилинган кўрсаткичлар, меъёрлар, тавсифлар ва талаблар илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражасига мос бўлиши керак. Улар Стандартлаштириш объектларининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиши лозим. Фақат маҳсулотнинг янги (оширилган) сифатини ҳисобга олмай, балки уни ишлаб чиқаришга, материал ва фойдаланишга бўлган харажатларни ҳисобга олиб иқтисодий мақбул кўрсаткичларини жорий қилиш керак яъни иложи борича кам харажат қилиб, максимал иқтисодий самарага эришиш даркор. Бу мақсадга эришишга илгарилаб ва мажмуий стандартлаштириш кўмаклашади.

4. Стандартлаштирилаётган буюмларни функционал ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш тамойили. Фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича ўзаро алмашинувчанликни таъминлайдиган бу тамойил мажмуий ва илгарилаб стандартлаштириш ҳамда буюмлар, уларнинг техникавий шартлари ва бошқаларни стандартлаштиришда асосийдир.

5. Стандартларни ўзаро мувофиқлаштириш тамойили. Умумтехник ва тармоқлараро стандартлар турлари кўплигида уларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Стандартларнинг барча турларига тааллуқлик бўлган кўрилаётган

тамоийил муҳимлиги ва самаралилигининг энг ишончли мисоли мажмуий Стандартлаштириш усулидир. Стандартлаштириш соҳасидаги атама ва таърифларнинг ўзаро мувофиқлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

6. Стандартлар ишлаб чиқаришнинг илмий-тадқиқий тамойили. стандартлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни муваффақиятли татбиқ қилиш учун нафақат амалий тажрибаларни кенг умумлаштириш, балки махсус назарий, экспериментал ва тажрибавий-конструкторлик ишларни ўтказиш зарур. Бу тамойил стандартларнинг барча турларига тааллуқли.

7. Афзаллик тамойили. Одатда деталлар ва намунавий бирикмаларнинг ўлчам ва турлари, ўтказмалар, жоизликлар қаторлари ва бошқа параметрлар бир вақтни ўзида ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқлари учун стандартлаштиради, шунинг учун бундай стандартлар параметрларнинг катта кўламини қамраб олади. Ўзаро алмашинувчанлик даражасини ошириш, саноатнинг турли соҳаларида қўлланадиган буюмлар, тайёрламалар ўлчам ва турларини, ўлчамли кесувчи асбоблар, мослама ва калибрлар номенклатурасини камайтириш ҳамда самарали ихтисослашиш ва заводлар кооперациялашиши учун шароитлар яратиш, маҳсулотни арзонлаштириш мақсадида бир хиллаштириш (унификация)да афзаллик тамойили қўлланади. Бу тамойилга биноан стандартлаштирилаётган параметрлар қийматларининг бир неча (масалан, учта) қаторлари жорий қилинади, бунда биринчи қатор иккинчисига нисбатан, иккинчиси учинчисига нисбатан афзалроқ кўрилади. Бундай тамойил бўйича метрик резбанинг диаметрлари ва қадамлари қаторлари, меъёрий бурчаклар қаторлари, силлиқ цилиндрлик бирикмалар жоизлик ва ўтказмалари стандартлари ва бошқалар тузилган. Ундан ташқари қўллашга рухсат бериладиган буюмлар параметрлари, турлари ва ўлчамларини зарурий минимумга келтирадиган тармоқга чекловчи стандартларни яратиш тавсия этилади.

8. Динамиклик тамойили. Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун стандартлаштириш объектларига бўлган талабларни техникавий тараққиёт талабларига мувофиқ даражага келтириш мақсадида даврий қайта кўриб туриш зарур.

2. Стандартлаштиришнинг маҳсулот сифатини бошқаришдаги ўрни

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда республикада стандартлаштиришнинг ҳозирги замон тизимини ва унинг қонуний базасини яратилишига жиддий эътибор берилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизимининг асосий принциплари белгилаб берилди. 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз тарихида муҳим воқеа ҳисобланади.

Қонун, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стандартлаштириш масалалари бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи ягона механизм ва давлат бошқаруви меъёрларини ўрнатади. Стандартлаштириш масалалари бўйича манфаатдор томонларнинг давлат бошқаруви идоралари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорлик ишининг шакл ва усулларини, умумий ташкилий-техникавий қоидаларини, стандартлар устидан давлат назоратини амалга оширишни, давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, стандартлар мажбурий талаблари бузилган тақдирда, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Шу давр мобайнида, ушбу қонунга иккита ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Биринчи ўзгартириш 2000 йил 26 майда 82-II сон билан, иккинчи ўзгартириш 2003 йил 25 апрелда 482-II сон билан киритилди. Қонунга биноан “Ўзстандарт” агентлиги, стандартлаштириш соҳасида давлат сиёсатини шакиллантиради ва амалга оширади, стандартлар ва техник шартлар мажбурий талабларини бажарилиши устидан давлат назоратини ва текширувини олиб боради, ҳудудий стандартлаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда фаол қатнашади, стандартлаштириш соҳасида кадрларнинг профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил қилади, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида стандартлаштириш бўйича халқаро, давлатлараро стандартларни, қоидаларни, меъёрларни ва тавсияларни қўллаш қоидаларини ишлаб чиқади ва ўрнатади.

“Ўзстандарт” агентлиги, стандартлаштириш соҳаси бўйича фаолиятини ўз қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ), стандартлаштириш ва метрология бўйича ҳудудий бошқармалар, Ахборот–маълумот маркази орқали амалга оширади. Агентлик қошидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг 12 та вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган, жами 14 та бошқармалар фаолият юритади.

Стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида, стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан назорат олиб боровчи давлат инспекторлари фаолият кўрсатадилар. Назорат олиб боришдан ташқари, улар томонидан меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси ўтказилади ва давлат рўйхатига олиш бўйича тегишли ишлар бажарилади.

Республика стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи ва бу соҳа бўйича ўқитишнинг ўқув-методик маркази бўлиб, СМСИТИ ҳисобланади.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан “Халқаро тажриба асосида 2003-2010 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш Концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича Дастур” ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат 2003 йилнинг 26 мартда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини ривожлантириш бўйича Идоралараро Кенгаш томонидан тасдиқланган. Концепциянинг асосий мақсади республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда

унин сифатини тубдан яхшилашга имкон яратадиган стандартлаштиришнинг халқаро тизимига босқичма-босқич ўтишдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон “Маҳсулотларнинг сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2004 йил 22 июлдаги 349-сон “Корхоналарда халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар тўғрисида” ва 2004 йил 5 августдаги 373-сон “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари стандартлаштириш Дастурида ҳамоҳанг бўлади.

Стандартлаштириш маҳсулот сифатини оширишда ягона давлат ташкилий-техникавий сиёсатини ўтказиш имконини беради ва мамлакат иқисодиётини бошқариш ва маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқариш илмий-услубий бирлигини таъминлайди.

Тармоқлараро даражада сифатни бошқариш ҳаётий циклининг барча босқичлари ва бошқариш функциялари бўйича ишлаб чиқиладиган давлат стандартлари асосида амалга оширилади. Бу стандартларда маҳсулот сифатини бошқариш бўйича халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятининг умумий меъёрлари келтирилади: сифат бўйича атамалар, сифатни баҳолаш, саноат маҳсулотини аттестациялаш, сифатни бошқариш мажмуий тизимларини яратиш бўйича тавсиялар ва бошқалар.

Тармоқда сифатни бошқариш давлат стандартлари ва техникавий шартлар ҳамда тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиб, чегаралар жорий қилинган ёки давлат стандартлари ривожлантирилган тармоқий тавсиялар ва материаллар бўйича олиб борилади, бу тармоқнинг корхона ва ташкилотлари фаолиятидаги ўзаро боғланишни ташкил этишни яхшилашга кўмаклашади.

Бирлашма ёки корхона даражасида стандартлаштириш аниқ ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини: маҳсулот тури, туркумлилик технологик жараёнларни ўзига хос хусусиятлари ва бошқаларни ҳисобга олишга қаратилган. Корхона даражасидаги стандартлаштириш сифатни бошқаришда тармоқ ва тармоқлараро даражалар ўртасидаги зарурий боғланишни таъминлайди

Маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сифатни бошқаришни амалга ошириш учун сифатни бошқариш тизимларининг ташкилий, техникавий ва услубий асослари бўладиган стандартлар ва техникавий шартлар мажмуи зарур.

Тадқиқот ва лойихалаш босқичларида стандартлаштириш ёрдамида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- *мазкур маҳсулот ҳамда хом ашё, матаериал, ярим тайёр маҳсулот ва жамловчи буюмлар, мамлакат ва хорижий фан-техникаси ютуқларини, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сифат тавсифларини мажмуий стандартлаштириш асосида тайёр маҳсулот сифатига бўлган талаблар жорий қилинади;*

- буюм вазифаси ва фойдаланиш шароитларига қараб, маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ягона тизими аниқланади;
- маҳсулотнинг мақбул сифатини таъминлаш ва ўлчам, русум ҳамда турларининг нораціонал кўплигини бартараф қилиш учун меъёр, талаб ва лойихалаш усуллари жорий қилинади;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини мажмуий механизациялаш ва автоматлаштириш, илмий-техникавий тараққиётни тезлатиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш ҳамда таъмирлаш пайтида иш унумини оширишнинг асосий шартини бўладиган унификация даражасини ошириш таъминланади.

Маҳсулот сифатини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг даражасини кўтаришга сезиларли даражада тармоқлараро стандартлар тизимларини татбиқ этиш кўмаклашади. Бундай тизимлар қаторига конструкторлик технологик хужжатларни тайёрлаш ягона тартибини ўрнатадиган, намунавий технологик жараёнлар, стандарт жихози ва мосламалари ҳамда кўп меҳнат талаб қиладиган технологик жараёнларни мажмуий механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг қўллашни назарда тутадиган Конструкторлик хужжатлар ягона тизими (КХЯТ), Технологик хужжатлар ягона тизими (ТХЯТ), Ишлаб чиқаришни технологик тайёргарлиги ягона тизими (ИТТЯТ) каби стандартлар мажмуалари ва бошқалар киради. Стандартлаштиришни татбиқ этиш технологиянинг ишлаб чиқиш жараёнини яхшилаш ва тезлаштириш, технологик мосламаларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражасини ошириш имконини беради, бу эса янги буюмларни ўзлаштириш учун зарур бўлган вақтни сезиларли даражада қисқартиради ва сифат барқарорлигини таъминлайди.

Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйиш босқичида Давлат стандартлари юқори сифатли маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришни тезлаштириш, тажрибавий намуналарни ишлаб чиқиш ва синашни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва серияли маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татбиқ этиш асосида маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини ва конструкцияси элементларини ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи (истеъмолчи) ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Стандартлаштириш тизими янги маҳсулотга оид юқори сифатли лойиха-конструкторлик хужжатлар ишлаб чиқилишини, корхона сифатнинг берилган кўрсаткичлари билан уни ишлаб чиқаришга тайёрлигини ва уни ўз вақтида ишлаб чиқаришдан олиб ташланишини меъёрлайди.

Корхона стандартлари маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичида чиқарилаётган маҳсулот тавсифи ва ўзига хослигини, корхоналарнинг ташкилий-техникавий даражасини, заводнинг ички ихтисослашишини, муҳандис ва ишчилар тажрибасини ҳисобга олади, корхоналарда сифат бўйича ишларни аниқ ва маъсулиятли ташкил қилишнинг имконини беради. Улар маҳсулот сифатини мажмуий бошқаришга доимий фаолият кўрсатувчи тизим

тусини беради, илғор тажриба асосида унга мунтазам ривожлантириш имкониятини яратади. Лойihalаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш (истеъмол қилиш) жараёнларида маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш тартиби ва усуллари белгилайди, маҳсулот сифатини назорат қилиш ва баҳолаш воситалари ва усулларига бўлган талабларни жорий қилади, маҳсулотни аттестациялаш тартибини аниқлайди, етказиб берувчилар ва етказиб берилаётган хом ашё, материал, жамловчи буюмлар сифатини яхшилаш бўйича ишлаш тартибини аниқлайди. Ишлаб чиқаришнинг бир текислигини, технологик интизомни сақлаш, янги маҳсулотни ишлаб чиқувчилар, хом ашё, материал ва жамловчи буюмларни етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар билан ишлашни яхшилаш, корхонанинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш яроқсизликдан талафотларни камайтириш, бажарувчилар меҳнати сифатини ошириш, минимал сарфлар билан сифатнинг юқори даражасини таъминлаш имконини беради.

Айланиш ва сотиш босқичида стандартлаштириш маҳсулотни буюмдонларга жойлаштириш, консервалаш, транспортлаш ва омборга қўйиш, сақлаш ва сотиш пайтларида талаб, тартиб ва энг яхши шароитларни яратишга қаратилган, бу омборларда, базаларда, транспорт корхоналарида ва савдо ташкилотларида маҳсулот сифатини сақлаб қолади.

Истеъмол ва фойдаланиш жараёнида стандартлаштириш маҳсулотга хизмат қилиш ва уни таъмирлашга (шу жумладан, кафолатли таъмирлашга), фойдаланишдаги маҳсулот сифати ҳақида маълумотни йиғиш ва таҳлил қилишга қўйиладиган ягона талабларни белгилайди, бу хизмат қилиш ва таъмирлашни ташкил этишни яхшилади, фойдаланишдаги харажатларни камайтиради ва маҳсулот унумини оширади.

Саноат маҳсулотини аттестациялашда стандартлар тизими объектив баҳолаш учун зарур бўлган сифат кўрсаткичларининг зарурий ва етарли рўйхатини, ягона тартибини белгилайди. Бу аттестацияни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга сарфланадиган вақтни қисқартиради ва маҳсулотни сифат тоифалари бўйича баҳолашга хизмат қилади. Стандартлаштириш маҳсулотни сертификатлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулот сифати муаммосининг ечими метрологик таъминот даражасига боғлиқ. Улчашлар бирлиги ва ишончилигини таъминлаш учун мамлакатда ривожланган эталон базаси яратилган, ўлчашлар бирлигини таъминловчи стандартлар тизими ишлаб чиқилган. Стандартлаштириш ривожланиши замонавий босқичининг ўзига хослиги — алоҳида стандартларни ишлаб чиқишдан мажмуий стандартлаштириш дастурларига ўтишдир. Бу дастурларни амалга ошириш тайёр маҳсулот, жамловчи буюмлар, хом ашё, материал, жиҳозлар ва ускуналар ҳамда ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил қилиш усуллари, синаш, назорат қилиш, ўлчаш, буюмдонга жойлаштириш қоидалари, сақлаш, транспортлаш, фойдаланиш ва таъмирлашга оид ўзаро боғланган стандартлари ва техникавий шартларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади.

Мажмуий стандартлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бутун фаолиятини охириги умумиктисодий натижаларга эришишга жалб қилиш имконини беради.

Илмий-техникавий тараққиёт суръатлари тезлашиши билан стандартларнинг самарали таъсир қилиш вақти мутлақ ва нисбий қисқариш тенденцияси пайдо бўлишига олиб келади. Стандартлаштириш тобора динамик тавсифга эга бўлади, бу стандартларни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва қайта кўриб чиқиш усуллари ва муддатларига янгича талаблар қўяди. Стандартлаштириш тизими динамиклиги ва тезкорлиги масаласини ечишга истиқболли, илгариланган стандартлар қаратилган. Улар мамлакат корхоналари, энг яхши хорижий фирмаларнинг илғор тажрибасини акс эттиради ва саноати ривожланган мамлакатларнинг прогрессив кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Буюмлар сифатини ошириш. Стандартлаштириш орқали ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг турлари ва ўлчамлари бошқарилади. Туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш одатда катта самарага ихтисослашган заводларда ишлаб чиқарилган детал, йиғма бирликлар ва буюмлар қўлланилиши туфайли эришилади. Хозирги кунда ихтисослаштирилиб чиқарилган, стандартлаштирилган ва унификацияланган агрегат ва элемент (блок)ларнинг улуши 10% га яқин. Агар бу кўрсаткич 20% гача етказилса, буюмлар тайёрлаш таннархи камайиши натижасида иқтисодий самарасини 2 баравар ошириш мумкин.

Ўзаро алмашинувчанлик ҳам ишлаб чиқариш тежамкорлигини оширади, чунки у сезиларли даражада буюмлар йиғишни соддалаштиради ва у деталларни созлашсиз (тўлиқ ўзаро алмашинувчанликда) ёки минимал ростлаш ва танлаш ишлари билан (нотўлиқ ўзаро алмашинувчанликда) йиғма бирликларда оддий бирлаштиришга айланади. Бунда буюмлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш осонлашади, чунки еғилган ёки ишдан чиққан деталлар ёхуд йиғма бирликлар фойдаланиш кўрсаткичларни ёмонлаштирмасдан алмаштирилади, яъни буюмларнинг тикланиши ва таъмирлашга яроқлилиги ошади.

Ишлаб чиқариш жарёнларини мажмуий механизациялаш ва автоматлаштириш, автоматик қаторлар, цехлар ва корхоналарни яратиш фақат ҳамма буюмларни жорий қилинган ўлчамлар, шакллар ва сифат билан чиқарилишини таъминловчи ўзаро алмашинувчи ишлаб чиқариш асосида амалга оширилиши мумкин.

5. Мавзу: Халқаро стандартлар (2 соат)

1.И.С.О. (инглизча – I.S.O. – International Organization for Standardization) – Халқаро стандартлаштириш ташкилоти. Унинг тарихи 1906 йилга бориб тақалади, шу йили халқаро (IEC – International Electrotechnical Commission) электротехник комиссия ташкил топган. Сўнгра 1926 йилдан 1942 йилгача кўпроқ тармоқларни ўз назоратига олган халқаро стандартлаштириш ассоциацияси ташкил қилинган (International Federation of National Standardizing Associations - ISA). 1946 йил Лондон шаҳрида саноати ривожланган 25 та давлатдан келган делегатлар иштирокида, саноат стандартларини такомиллаштириш ва унификациялаш масалалари муҳокама қилинади ва ташкилот ИСО номини олади (Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот). Ташкилот 23 феврал 1947 йилда ўз фаолиятини бошлайди.

Хозирги кунда халқаро стандартлаштириш ташкилоти 140 дан ортиқ давлатларни ўз қаторига қўшган, унинг штаб квартираси Швейцариянинг

Женева шаҳрида жойлашган. ИСО ташкилотига ҳар бир давлатдан биттадан мутахассис аъзо бўлиб кириши мумкин.

Халқаро ИСО стандартлари таркибида 5 та асосий стандартлари версияси мавжуд:

- I. ИСО – 9000 : 2000 “Сифат менежменти системаси” – бунда сифат менежментининг умумий принциплари, ИСО – 9000 сериясига кирувчи асосий қоидаларни ва тармокнинг ўзига хос белгилари, атамаларини аниқлайди.
- II. ИСО – 9001 : 2000 “Сифат менежменти системаси талаблари” сифат менежменти системаси талабларини белгилайди, хужжатлаштиради, ишлаб чиқаради. Ушбу стандарт сифат менежмент системаси мақсадларни, оддий ва сертификатлаш тамойилларини ишлаб чиқаради.
- III. ИСО 9004 : 2000 “Сифат менежменти системаси. Фаолиятни яхшилашга қаратилган” дир. У методик кўрсатмалар ва фаолиятни яхшиловчи асосий тамойилларни ишлаб чиқаради. Бу стандартда тавсия этилган талаблар ИСО – 9001 : 2000 нисбатан анча такомиллашгандир. Унда корхона ва ташкилотлар фаолиятини “Сифат менежменти” асосида янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ ишланмалар келтирилган. Юқоридаги стандарт сертификатлаштиришга ва норматив хужжатларни ишлаб чиқишга, техник регламентларни ва турли контрактлар тузишга қаратилмаган.
- IV. ИСО 19011 : 2000 сифат менежменти системаси бўйича аудит кўрсатмалари ёки “Экологик менежмент” системасига оид норматив тавсиялар, аудит бўйича ишланмалар, аудитни олиб боришда қафолатли хизмат кўрсатишга қаратилган.
- V. ИСО – 10012 : 2000 “Ўлчов – метрология менежменти тизими”. Ўлчов жараёнлари ва ўлчов асбоб ускуналарига бўлган талабларни бошқариш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган.

Масалан, Россия Федерацияси стандартларига мувофиқ ИСО 9000 : 2001 сифат менежменти системасида асосий шартлар ва луғатдир.

Республикада Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22.02 даги 83 - сонли қарорида сифатни бошқаришда халқаро стандартларни жорий этиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Қарорда кўзда тутилган асосий масала товар ва хизматларни рақобатбардошлигини, ички ва ташқи бозорни халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган таварлар билан таъминлашга қаратилган.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида фаолият юритувчи 200 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар махсулотлари 2004 – 2006 йиллар ичида ИСО – стандартлари талабларига жавоб беришини таъминлаш масаласи қўйилган бўлиб, 2007 йилда уларнинг 140 таси ИСО стандартлари асосида махсулот ишлаб чиқара бошладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29.08 183 – сонли қарорида юртимизда фаолият юритувчи 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда “Сифат

менежменти” тизимини жорий этиш режалаштирилган бўлиб, улар hozирда амалга оширилган (2009).

“Сифат менежменти” тизими жорий этилаётган сохалар ичида энг устивор йўналиш хисобланган “Озиқ-овқат товарлари хавсизлигини таъминлаш” бўйича ИСО – 22000 : 2005 серияси, O’zDST, ИСО – 9004:2002 – “Сифат менежменти” асосида фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар мажмуидан иборатдир.

Товар ва хизматлар рақобатбардошлигини, маҳсулотни халқаро бозорда ўз ўрнини топиши учун “Ўздавстандарт” агентлиги қошида мустақил фаолият юритувчи “Сифат менежменти” тизимини жорий этиш бўлими ташкил этилган бўлиб, у ўзини ижобий натижаларини бермоқда.



Илова: ИСО 9000 стандартлари тизими ва ўзаро алоқалар кетма-кетлиги.

2.Стандартлаштириш тўғрисида Ўзбекистон республикасининг қонуни 28.12.1993 й.

Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни,

ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни

I Бўлим. Умумий қоидалар

II Бўлим. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар

III Бўлим. Стандартлар устидан давлат назорати

IV Бўлим. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти. Стандартларни қўллашни рағбатлантириш

I Бўлим. Умумий қоидалар

1 - модда. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари

2 - модда. Давлат стандартлаштириш тизими

3 - модда. Стандартлаштириш ишларини ўтказиш

4 - модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

5 - модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

1-модда. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари:

Маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда "маҳсулот" деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

Маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;

Фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;

Барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

Ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;

Табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;

Истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;

Мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;

Ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

2-модда. Давлат стандартлаштириш тизими

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

Халқ хўжалиги тармоқларида - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги); (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

Қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилиш" қўмитаси); (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси);

Тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу Қонунга мувофиқ давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни (бундан буён матнда "стандартлар" деб юритилади), шунингдек ушбу Қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, нашр этадилар. (ЎЗР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

3-модда. Стандартлаштириш ишларини ўтказиш

"Ўзстандарт" агентлиги ушбу Қонунга мувофиқ стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди. (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

"Ўзстандарт" агентлиги", "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидирлар. (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қиладилар ва юритадилар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдилар. (ЎЗР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширадилар.

4-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва

Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида стандартлаштириш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

5-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти халқаро шартнома ёки битимда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таърифланганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

II. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар

6 - модда. Норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

7 - модда. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланиши.

6-модда. Норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;

Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари; (ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

Тармоқ стандартлари;

Техник шартлар;

Корхона стандартлари;

Хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари;

Маъмурий-худудий стандартлар. (ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

Давлат ягона ва узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. (ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни тахриридаги модда)

(ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонунига мувофиқ иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмларини учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи қисмлар деб ҳисоблансин)

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иктисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби "Ўзстандарт" томонидан белгиланади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини "Ўзстандарт" ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар. Улар халқаро савдо-сотик учун ортикча тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим. (ЎзР 25.04.2003

й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Улар халқаро савдо-сотик учун ортиқча тўскинликларни вужудга келтирмаслиги лозим. (ЎЗР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни тахриридаги жумла)

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

Истеъмолчиларга реализация қилинадиган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгартишлар "Ўзстандарт" органларида ҳақ олмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. "Ўзстандарт" органларида рўйхатдан ўтган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар давлат ахборот жамгармасини ташкил этади. (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг)

Маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир.

Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблар қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

7-модда. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланилиши

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя этиладиган талабларни, шунингдек ушбу талабларга мувофиқликни назорат қилиш ва синаш усулларини ўз ичига олиши лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар маҳсулотнинг мазкур турини сертификатлаштириш тизимида белгиланган қоида ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

III. СТАНДАРТЛАР УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

8 - модда. Давлат назорати органлари ва объектлари

9 - модда. Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги
10 - модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини
бузганлик учун жавобгарлик

8-модда. Давлат назорати органлари ва объектлари

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини "Ўздавстандарт" агентлиги", "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан қатъи назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнига ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши),

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

9-модда. Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори:

Хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига монеликсиз кириш;

Хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

Давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

Стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ

стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (тахлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чикимларига киритилади;

Маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

Хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари: (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

Стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;

Текширилган маҳсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тақиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш; (ЎЗР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

Текширилган маҳсулот стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш.

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширадилар.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

10-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Қонун қоидалари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

IV. ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШГА ДОИР ИШЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ. СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ РАВБАТЛАНТИРИШ

11 - модда. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти

12 - модда. Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш

11-модда. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти

Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишлар, хусусан:

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек стандартларнинг таркибий ташкилий-техник ва умумтехник мажмуиларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;

Техник-иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;

Стандартлаштириш бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни олиб бориш;

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;

Стандартлар фондини, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторларини, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини, шунингдек стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш ҳамда юритиш;

Стандартлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган ўзга ишлар давлат йўли билан молиявий таъминланиши шарт.

Нашр қилинган (қайта нашр этилган) стандартларни, техник-иқтисодий ахборот классификаторларини, маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрига киритилган, стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматларнинг нашр қилинган (қайта нашр этилган) каталогини сотишдан белгиланган тартибда олинандиган маблағлар, шунингдек ушбу Қонун қоидаларини бузганлик учун ундириладиган жарима маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат назорати органларига йўлландиган қисми ҳам стандартлаштириш,

стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир ишларни молиявий таъминлаш манбалари бўлиши мумкин.

Республика бюджети маблағларидан тўлиқ ёки қисман таъминланадиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатдан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

12-модда. Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш

Давлат стандартларга, шу жумладан истикболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини кафолатлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва маҳсулотларни стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини олган хўжалик фаолияти субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6. Мавзу: Метрология ягона ўлчов системаси (2 соат)

1. Метрология ва ягона ўлчов тизими

Ўлчаш маълумоти юқори аниқлигини таъминлаш, мамлакатда ўлчаш бирлигини таъминлаш тизими ва шароитларини яратиш, ўлчаш воситаларининг ўлчаш маълумотининг кафолатли аниқлигини берадиган ишлатиш муддатларини аниқлаш ҳамда ўлчаш муаммоси билан боғлиқ кўп ташкилий-меъёрий ва ҳуқуқий масалаларини ечиш метрологик тизимига боғланган.

Метрологик таъминот — ўлчаш маълумотини олиш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-техникавий чора тадбирлар мажмуасидир.

Маҳсулот сифати метрологик таъминотига хос масалалар сонига:

- ўлчаш, синаш, назорат қилиш пайтида баҳоланиши керак бўлган тавсифларни танлаш;
- ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини режалаш, ўлчаш, синаш ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестациялаш;
- ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини тегиши ўлчаш воситалари билан таъминлаш;
- ўлчаш воситаларини метрологик тўғри ҳолатда ушлаб туриш;
- ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини бажариш ва натижаларини ишлаш;

- ўлчаш, синаш ва назорат натижаларини олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ мутахассисларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш;
- корхонадаги метрологик таъминот замонавий техник даражали ва юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришга мослигини аниқлаш мақсадида лойиҳа, конструкторлик ва технологик хужжатларни метрологик экспертизасидан ўтказишлар киради.

Метрологик экспертиза пайтида қуйидаги асосий масалалар кўрилади:

- назорат пайтида ўлчанадиган тавсифлар номенклатурасини аниқлаш;
- танланган тавсифларнинг оптимал (зарурий) аниқлигини жорий қилиш;
- ўлчаш воситалари танланиши тўғрилигини баҳолаш ва ўлчаш услубиятларига бўлган талаблар тўғрилигини аниқлаш;
- унификация қилинган ва автоматлаштирилган ўлчаш воситалари қўлланганда ўлчашнинг берилган аниқлигини таъминлаш;
- ўлчаш натижаларини ишлаш усуллари аниқлаш, ўлчам бирликлари тўғри қўлланганлигини аниқлаш;
- маҳсулотни назорат қилишга яроқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, яъни тавсифларини ўлчаш имкони борлигини таҳлилдан ўтказиш.

Метрологик экспертиза конструкторлик хужжатларни ишлаб чиқиш ва технологик жараёни тайёрлаш босқичларида метрологик хатоларни бартараф қилишга имкон беради. Агар бу хатолар ўтиб кетса ва айтиб ўтилган хужжатларга кириб қолса, ўлчаш ва назорат қилишдаги хатоликлардан иқтисодий талафотлар ва йўқотишлар пайдо бўлиши эҳтимоли ошади.

Метрология соҳасидаги халқаро ҳамкорлик стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорликдек халқаро савдога кўмаклашади. Ҳамкорлик натижасида ўзаро ҳамжиҳатликни кафолатлайдиган ўлчашларга ягона ёндашиш бунёд қилинади, ўлчаш усуллари ва воситаларини бир хиллаштириш ва стандартлаштириш амалга оширилади, маҳсулотни ўлчаш, синаш ва назорат қилиш натижаларини ўзаро тан олиш имкони пайдо бўлади.

Замонавий эталон мажмуаларини яратиш ва уларни сақлаш техникавий мураккаб ва иқтисодий жиҳатдан қиммат масала бўлганлиги ҳам метрология соҳасидаги кенг халқаро кооперацияни талаб қилади. Шунинг учун бу масалани

халқаро ҳамкорлик асосида ечиш мақсадга мувофиқдир.

Ягона ўлчов тизими – бу ўлчовнинг шундай ҳолати, бирликлар албатта қонунлаштирилган ва халқаро бирликларда ўз ифодасини топган бўлиши керакдир. Ҳар бир ўлчов эталон намуналарида кўрсатилган бирликларда ва ўлчов ўлчов орасидаги хатолик кўрсатилган даражадан ошмаслиги лозим бўлади.

Ягона ўлчов тизими тўрт асосий принципга асосланган бўлади:


1. Натижа кўрсатилган бирликда бўлиши;
2. Ўлчов бирлиги, ўлчов воситаси, унинг кўрсаткичлари эталон кўрсаткичлари билан бир хил бўлиши лозим;
3. Ўлчашдан ўртача хатолик аниқ бўлиши лозим;
4. Ўлчашдаги хатолик ўрнатилган даражадан ортмаслиги зарур. Юқорида тўрт асосий принципларга амал қилмай ягона ўлчов шартларини бажариб бўлмайди.

Ягона ўлчов системасини жорий этишда халқаро ИСО – тизими бўйича 9000 – сериялари талабига жавоб бериши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ягона ўлчов тизимини жорий этиш бўйича халқаро ўлчов тизими (СИ) жорий этилган.

Халқаро мекиёсда ягона ўлчов тизими “тош-торози ва ўлчовлар”га бағишланган 1961 октябр ойидаги XI – халқаро конференцияда қабул қилинади. Халқаро СИ тизими етти асосий бирликни қабул қилган. Улар: метр, килограмм, секунд, ампер, кельвин, моль, кандела.

Барча ўлчов воситалари унификацияланган бирликда бўлиб кераклик стандарт талабларига жавоб берадилар. Ҳар бир ўлчов натижаси юқори аниқликда бўлиши талаб қилинади ва улар эталонга мос равишда кўрсаткичлар кетма-кетлигини аниқ қайтара олиши лозим.



Эталонлар классификацияси

Чизмада эталонлар классификацияси келтирилган бўлиб барча эталонлар фақат давлат эталонлари бўлиб хизмат қилади. Бирламчи эталон давлат эталони бўлиб ҳисобланади ва юқори аниқликдаги натижаларга асосланган. Иккиламчи эталон ташкилот ва корхоналар учун назорат эталони бўлиб хизмат қилади. Таққослаш эталонлари махсулотларни эталон билан таққослаш лозим бўлса дастлабки эталонни келтириш, ташиш каби муаммолари бўлган вақтда ишлатилади.

Ишчи эталонлар зарурият туғилган ҳолда 1 – 2 – 3 – 4 – разрядларга ажратилади. Ишчи эталонлар бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида ва махсус лабораторияларида ўрнатилган бўлиши мумкин. Ўлчовнинг аниқлик даражаси дастлабки эталондан фарқ қилмаслиги таъминланади.

2.МЕТРОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ 28.12.1993 й. N 1004-ХII

Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.
ЎЗР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни, ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни.

I Бўлим. Умумий қоидалар (1-4-1 моддалар)

II Бўлим. Физик ўлчам бирликлари, уларни қайта ҳосил қилиш ва қўллаш (5-8 моддалар)

III Бўлим. Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматлари (9-11 моддалар)

IV Бўлим. Давлат метрология текшируви ва назорати (12-19 моддалар)

V Бўлим. Метрология ишларини молиявий таъминлаш (20-21 моддалар)

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1 - модда. Асосий тушунчалар

2 - модда. Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

3 - модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

4 - модда. Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш

4-1-модда. Ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид норматив ҳужжатлар

1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилмоқда:

"**метрология**" - ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан;

"**ягона ўлчов бирлиги**" - ўлчовларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчов ҳолати;

"**ўлчов воситаси**" - ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

"**бирлик эталони**" - физик ўлчам бирилигига бошқа ўлчов воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчов воситаси;

"**давлат эталони**" - ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчов бирлигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталон;

"метрологик хизмати" - давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

"давлат метрология назорати" - метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият;

"ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш" - ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати органлари (ваколат берилган бошқа органлар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган операциялар мажмуи;

"ўлчов воситаларини калибрлаш" - метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган операциялар мажмуи;

ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонунига мувофиқ ўн биринчи хат боши чиқариб ташланган **"ўлчов воситаларини яшаш (таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш) учун лицензия"** - давлат метрология хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган, мазкур фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини гувоҳлантирувчи ҳужжат.

"ўлчов воситаларини метрологик аттестация қилиш" - ягона намуналарда ишлаб чиқариладиган (ёки Ўзбекистон ҳудудига ягона намуналарда олиб кириладиган) ўлчов воситаларининг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида улар қўлланиш учун ҳаққоний эканлигининг метрология хизмати томонидан эътироф этилиши;

"метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш" - ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш ишларини аккредитация қилишни белгиланган соҳада ўтказишга метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларининг ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши; (ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

"ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун юридик шахслар метрология хизматини аккредитация қилиш" - юридик шахслар метрология хизматининг белгиланган соҳада ўлчов воситаларини калибрлашдан ўтказишга ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши; (ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши).

"ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш" - ўлчовларни бажариш услубиётининг унга қўйилган метрология талабларига мослигини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида тадқиқот ўтказиш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг).

"ўлчовларнинг бажарилиш услубиёти" - операциялар ва қоидалар мажмуи бўлиб, уларнинг бажарилиши ҳатолари маълум бўлган ўлчов натижалари олишни таъминлайди; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг).

2-модда. Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва

Ўзбекистон Республикасининг ўзга қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида метрология соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти халқаро шартномада ёки битимда Ўзбекистон Республикасининг метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланади.

4-модда. Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш

Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология бўйича миллий орган - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) амалга оширади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

"Ўзстандарт" ваколатига: (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши).

Метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, метрологияга оид фаолиятни минтақалараро ва тармоқлараро мувофиқлаштириш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг).

Миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро даражада солиштириш шини таъминлаш қоидаларини белгилаш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг).

Ўлчов воситалари, усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;

Давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;

Метрология масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

Метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Метрология масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш қиради;

Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими фаолият олиб бориши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро ўлчов тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчовлар тизимлари билан уйғунлашувини таъминлаш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши).

Истеъмолчилар ҳуқуқларини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчов натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши).

4-1-модда. Ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид

норматив ҳужжатлар

Ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид, метрология нормалари ва қоидаларини белгиловчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни "Ўзстандарт" агентлиги амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, ташкилотлари, давлат бошқарув органлари, юридик шахслар бирлашмалари метрология соҳасидаги давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доирадан ташқаридаги нормалар ва қоидаларни белгиладиган, ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларни аниқлаштирадиган ва уларга зид бўлмаган норматив ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқишлари ҳамда тасдиқлашлари мумкин. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги модда).

II БЎЛИМ. ФИЗИК ЎЛЧАМ БИРЛИКЛАРИ, УЛАРНИ ҚАЙТА ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ

5 - модда. Физик ўлчам бирликлари

6 - модда. Физик ўлчамлар бирликларининг эталонлари

7 - модда. Ўлчов воситалари

8 - модда. Ўлчовларни бажариш услубиётлари

5-модда. Физик ўлчам бирликлари

Ўзбекистон Республикасида Халқаро ўлчамлар тизими (СИ)нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилади. Физик ўлчам бирликларининг номи, белгиси, уларни ёзиш ва қўллаш қоидалари "Ўзстандарт"нинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Халқаро ўлчамлар тизимига киритилмаган ўлчамларни қўллашга рухсат бериши мумкин.

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида контракт шартларига мувофиқ физик ўлчамларнинг ўзга бирликлари ҳам ишлатилиши мумкин.

6-модда. Физик ўлчамлар бирликларининг эталонлари

Физик ўлчамларнинг бирликлари эталонлар воситасида сақланади ва қайта тайёрланади.

Эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартибини "Ўзстандарт" белгилайди. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм).

7-модда. Ўлчов воситалари

Фойдаланишда бўлган ўлчов воситалари ўлчов натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши ва қўллаш шартларига мос келиши лозим.

Техника воситаларини ўлчов воситаларига мансуб деб топиш мезонини "Ўзстандарт" белгилайди. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм).

8-модда. Ўлчовларни бажариш услубиётлари

Ўлчовларни бажариш услубиётлари ўлчов натижаларининг хатоликларини баҳолашни ўз ичига олиши ва ўлчов ўтказишнинг мавжуд шароитларида белгилаб қўйилган аниқликни таъминлаши лозим. Ўлчовлар белгиланган тартибда аттестация қилинган ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. (ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонуни таҳриридаги гап).

Ўлчовларни бажариш услубиётларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестация қилиш тартибини "Ўзстандарт" белгилайди. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг).

III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ

9 - модда. Ўзбекистон Республикаси метрология хизматининг тузилиши

10 - модда. Давлат метрология хизмати

11 - модда. Юридик шахсларнинг метрология хизматлари

9-модда. Ўзбекистон Республикаси метрология хизматининг тузилиши

Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топади.

10-модда. Давлат метрология хизмати


"Ўзстандарт" бошчилик қиладиган давлат метрология хизматига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари киради. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

Давлат метрология хизмати органлари давлат метрология текшируви ва назоратини, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

11-модда. Юридик шахсларнинг метрология хизматлари

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилади.

Юридик шахслар метрология хизматларининг ҳуқуқ ва бурчлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомлар билан белгиланади.



Метрология хизматларининг ўзаро алоқалари схемаси

IV БЎЛИМ. ДАВЛАТ МЕТРОЛОГИЯ ТЕКШИРУВИ ВА НАЗОРАТИ

12 - модда. Давлат метрология текшируви ва назоратини ўтказиш тартиби

13 - модда. Давлат метрология текшируви ва назорати объектлари

14 - модда. Давлат метрология текшируви ва назорати тадбиқ этиладиган доиралар

15 - модда. Давлат метрология текшируви ва назорати турлари

16 модда. Ўлчов воситаларининг турларини тасдиқлаш

17 - модда. Ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш

18-модда. Ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига лицензия бериш

18-1-модда. Метрология ишлари ва хизматларини амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларни аккредитация қилиш

19 - модда. Метрология нормалари ва қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

12-модда. Давлат метрология текшируви ва назоратини ўтказиш тартиби.

Давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат метрология текшируви ва назорати метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

13-модда. Давлат метрология текшируви ва назорати объектлари

Қуйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари

ҳисобланади:

эталонлар; ўлчов воситалари; моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари; ахборот-ўлчов тизимлари; ўлчовларни бажариш услубиётлари; метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

14-модда. Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доиралар

Давлат метрология текшируви ва назорати:

соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш;
савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш,
телекоммуникация хизматларини кўрсатиш; (ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон
Қонуни таҳриридаги хат боши)

захарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;

давлат мудофаасини таъминлаш;

меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

сертификатланадиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;

геодезик ва гидрометеорологик ишлар;

ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;

фойдали қазилмаларни казиб олиш;

миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олишга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига биноан давлат метрология текшируви ва назорати фаолиятнинг ўзга доираларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин.

15-модда. Давлат метрология текшируви ва назорати турлари

Давлат метрология текшируви қуйидаги тарзда амалга оширилади:

ўлчов воситаларининг турларини синаш ва тасдиқлаш;

ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг)

ўлчов воситаларини, шу жумладан эталонларни текширувдан ўтказиш, калибрлаш;

ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини синаш, текширувдан ўтказиш, метрологик аттестация қилиш, ўлчов воситаларини ва метрология фаолиятнинг бошқа муайян турларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш, уларнинг ижараси билан шуғулланишга доир фаолияти лицензияланаётганда мазкур шахсларнинг белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этишларини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг)

Ўлчовларнинг бажарилиш сифатини ва метрология фаолиятининг бошқа турларини баҳолаш. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

Давлат метрология назорати:

Ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, уларнинг ижараси билан шуғулланиш, уларни реализация қилиш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши (физик ўлчамлар бирликлари эталонларини, моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, ўлчов тизимларини қўшган ҳолда);

Ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларининг қўлланилиши;

белгаланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари, лабораториялари фаолияти устидан амалга оширилади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг)

Зарур ҳолларда "Ўзстандарт" қарорига биноан метрология текшируви ва назоратнинг бошқа турлари ва шакллари ҳам белгиланиши мумкин. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг)

16-модда. Ўлчов воситаларининг турларини тасдиқлаш

Ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доираларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчов воситалари давлат синовларидан (кейинчалик уларнинг турини тасдиқлаш шарти билан) ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши лозим.

Ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритишни "Ўзстандарт" амалга оширади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Тасдиқланган ўлчов воситаларига ёки уларнинг фойдаланиш хужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини қўйиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчов воситаларини синаш ва метрологик аттестациялаш натижалари тузилагн шартномалар ҳамда битимларга мувофиқ эътироф этилади.

17-модда. Ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш

Текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхати "Ўзстандарт" томонидан тасдиқланади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрологик хизматларига ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Бошқа давлатларда амалга оширилган ўлчов воситаларини текшириш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида эътироф этилади.

17-1-модда. Ўлчов воситаларини калибрлаш

(ЎзР 26.05.2000 й. 82-II-сон Қонунига мувофиқ киритилган модда)

Ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўрсатиб ўтилганидан бўлак соҳаларда қўлланиладиган ва мажбурий текширувдан ўтказилмайдиган ўлчов воситалари уларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, ишлатиш, ижарага бериш,

таъмирлашда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда калибрлашдан ўтказилиши мумкин.

Ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқи юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрология хизматларига берилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг метрология хизматларини ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун аккредитация қилиш тартиби ва калибрлашни ўтказиш тартиби "Ўзстандарт" томонидан белгиланади". (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

18-модда. Ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига лицензия бериш

Ушбу қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доирада қўлланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган лицензия асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги модда), (Олдинги тахририга қаранг)

18-1-модда. Метрология ишлари ва хизматларини амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларни аккредитация қилиш

Норматив ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш, ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш, ушбу қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доирада қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш, калибрлаш, таъмирлаш, синаш, метрологик аттестация қилишни амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларни аккредитация қилиш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги модда)

19-модда. Метрология нормалари ва қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Қонуннинг қоидалари, шунингдек метрология нормалари ва қоидалари бузилишида айбдор бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, давлат бошқарув органлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

V БЎЛИМ. МЕТРОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ

20 - модда. Давлат томонидан албатта молиявий таъминлаш

21 - модда. Метрологик ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш

20-модда. Давлат томонидан албатта молиявий таъминлаш

Давлат томонидан қуйидагилар:

метрологияни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш;

метрология соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;

метрология бўйича халқаро, минтақавий ташкилотларнинг ишида қатнашиш ва метрология бўйича чет эл миллий хизматлари билан ишлар бажариш;

метрология бўйича халқаро, минтақавий нормалар ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишга қатнашиш;

метрология соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

метрология бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни ўтказиш;

ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлашга доир "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланадиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

физик ўлчам бирликларининг этолонларини ва ўта аниқ намунавий ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, яшаш, сақлаш, қўллаш, сотиб олиш ва асраш, шунингдек уларнинг халқаро даражада солиштирилишини таъминлаш; (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, шунингдек моддалар ва материалларнинг физик константалари ҳамда хоссаларига оид стандарт справка маълумотлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат тизимларини ривожлантиришга доир ишлар;

давлат метрология текшируви ва назоратига доир ишлар албатта бюджетдан молиявий таъминланиши шарт. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

21-модда. Метрология ишлари ва хизматлари учун ҳақ тўлаш

Ўлчов воситаларини синаш, текширувдан ўтказиш, ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини аттестация қилиш, норматив ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш, техник жиҳатдан асослиги ҳамда белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини баҳолаш, ўлчовларнинг бажарилиш сифатини баҳолаш бўйича юридик ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатилаётган метрология ишлари ва хизматлари учун, шунингдек метрология фаолиятининг давлат томонидан молиялаштириш соҳасига кирмайдиган турлари учун манфаатдор шахслар томонидан ҳақ тузиладиган шартномаларнинг шартларига мувофиқ тўланади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги модда), (Олдинги таҳририга қаранг)

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов

7.Мавзу: Махсулотнинг сертификатлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари (2 соат)

Махсулотни сертификатлаштириш. Асосий тушунчалар. Сертификатлаштириш — махсулотнинг маълум талаблар, аниқ стандартлар ёки техникавий шартларга мослигини ҳужжатли тасдиғидир.

Махсулотни сертификатлаштириш махсулот маълум стандартлар ёки бошқа меъёрий-техникавий ҳужжатларга мослигини сертификат орқали тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган чора-тадбирлар (ҳаракатлар) мажмуасидир.

"Сертификатлаштириш" тушунчасининг таърифи стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO — Internationale Standart Organizatione) Кенгашининг махсус кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

Сертификатлаштириш (мувофикликни сертификатлаштириш) маҳсулотни, технологик жараён ёки хизматларни сертификатлаштиришда учинчи томон қатнашишини назарда тутадиган умумий атамадир (биринчи томон — ишлаб чиқарувчи, иккинчи томон — истеъмолчи).

ISO томонидан мувофикликнинг уч тури жорий қилинган:

- мувофиклик ҳақида баёнот;
- мувофикликни аттестациялаш;
- мувофикликни сертификатлаштириш.

Мувофиклик тўғрисида баёнот — бу етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи)нинг сертификатлаштириш тизимидан ташқари ўз зиммасига тўла жавобгарликни олиб, маҳсулот, технологик жараён ёки хизмат маълум сертификат ёхуд бошқа меъёрий-техникавий хужжатга мослиги ҳақида баёнотдир. Бу атама ўз-ўзини сертификатлаштириш атамаси ўрнини босади.

Ўз-ўзини сертификатлаштириш ғояси қадимдан маълум, масалан, ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулотни тамралаш товар юкри сифатининг тасдиғи бўлган. Лекин мувофиклик ҳақида баёнот етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи)нинг ҳеч қандай юридик маъмурий ёки иқтисодий жавобгарлигини назарда тутмайди. Фақат айрим мамлакатларнинг қонунчилиги маҳсулот етказиб берувчилар улар чиқарадиган маҳсулот ҳақида ишончли маълумот беришини мажбур қиладиган қоидаларни назарда тутди.

Мувофикликни аттестациялаш — бу учинчи томон синов лабораторияси маҳсулотнинг маълум намунаси маълум стандартлар ёки бошқа меъёрий-техникавий хужжат талабларига мувофиклиги ҳақида баёнотдир. Бу ҳолда туркумли чиқарилаётган маҳсулот сифати баҳоланмайди. Гап синов учун тақдим этилган маҳсулот намунаси мувофиклиги ҳақида кетмоқда. Бу синовлар сертификатлаштириш тизими доирасидан ташқари амалга оширилади.

Мувофикликни сертификатлаштириш — бу учинчи томоннинг адекват (тўла мувофиклик) ишончилилик даражаси билан маҳсулот, технологик жараён ёки хизмат стандартнинг маълум талабларига ёки бошқа меъёрий-техникавий хужжатга мувофиклигининг кафолатидир.

Шундай қилиб, мувофикликни сертификатлаштириш учинчи томондан кафолатланади ва фақат ташкилий тизим доирасида жорий қилинган қоидаларга биноан амалга оширилса, тан олинади. Бунда учинчи томон серияли чиқарилаётган маҳсулотнинг стандарт талабларига мутлоқ мувофиклигини эмас, балки ишончилиликнинг адекват даражаси билан мувофиклигини кафолатлайди. Мазкур ишончилилик даражаси маҳсулот сифати жорий қилинган талабларга мувофиклигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар хажмига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Ишончилилик даражаси қанчалик юқори бўлса, маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар хажми шунчалик катта, демак таннархи ҳам шунчалик юқори бўлади. Лекин маҳсулот сифати стандартлар талабларига мувофиклиги даражаси ишончилиги қанчалик кам бўлса, ундан фойдаланишда қилинадиган харажатлар шунчалик каттадир. Шак-

шубхасиз маҳсулот сифати ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жамғарма харажатларнинг минимал миқдори маҳсулот стандартлар талабларига мувофиқлиги ишончлилик даражаси талаб қилган мақбул миқдорни аниқлайди.

Мувофиқликни сертификатлаштириш ўз қоида ва процедураларига эга сертификатлаштириш тизими доирасида ўтказилади. Тизим доирасида сертификатлаштириш ягона кридалар бўйича ўтказилиши керак. Сертификатлаштириш тизимлари уч сатрда яратилиши мумкин: миллий, минтақавий ва халқаро.

Сертификатлаштириш шакли деган тушунча мавжуд, у бир стандартлар ва қоидалардан тарқалган аниқ маҳсулот, технологик жараён ёки хизматга тааллуқли сертификатлаштириш тизимидир.

Маҳсулот сифатининг стандарт талабларига мувофиқлиги — мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси билан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификати — бу сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ва мазкур маҳсулот, технологик жараён ёки хизмат маълум стандарт ёки бошқа хужжатлар билан мувофиқлигини тасдиқлайдиган хужжатдир.

Мувофиқлик (сертификатлаштириш) белгиси — бу қонун томонидан химоя қилинадиган, сертификатлаштириш тизимида қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқ қўлланадиган ва мазкур маҳсулот, технологик жараён ёки хизмат маълум сертификат ёхуд бошқа хужжатлар билан мувофиқлигини кўрсатадиган белгидир.

Мувофиқлик сертификати ва белгиси шакли ҳам, мазмуни бўйича ҳам сертификатлаштириш тизими томонидан жорий қилинган талабларга жавоб бериши керак. Улар амалдаги тартибга биноан берилади ёки қўйилади.

Айтиб ўтиш керакки, сертификатлаштириш истеъмолчига фақат маҳсулот стандартлар талабларига тўла мувофиқ ишлаб чиқарилганлигини кафолатлайди. Лекин у маҳсулотнинг жаҳон миқёсида эришилган юқори техникавий даражага мослигини кафолатламайди.

Сертификатлаштириш органлари. Сертификатлаштириш тизими мураккаблигига биноан учинчи томоннинг турли органлари мавжудлиги назарда тутилади, Шунингдек 1-тизимда фақат тақдим этилган намуналарнинг намунавий синовлари ўтказилганда битта сертификациялаш органи бўлиши етарли. Шу вақтни ўзида, 5-тизимда сертификациялаш органдан ташқари тизимда назорат ва стандартлаштириш органларининг иштироки зарур. 2.4.1-чизмада кўрсатилган.

Сертификация органи тизим ва унинг фаолиятини бошқаради. Ўз фаолиятида у:

- мамлакатнинг амалдаги қонунчилиги ва аниқ маҳсулот сифати назоратини ташкил қилиш бўйича меъёрий актларга;

- маҳсулот истеъмолчилари ва савдо томонидан қўйилган талаблар доирасида стандартларга риоя қилиш бўйича мажбуриятларга амал қилади.


Мазкур орган намунавий синовларни ўтказиш, корхона ва савдо доирасидаги маҳсулот сифатини назорат қилиш, назоратни ташкил этиш ва бошқа барча учинчи томон ишларини бажаради. Синовлар ўз лабораторияларида, агар улар бўлмаса, алоҳида вазифаларни бажаришга ихтисослашган миллий орган ва ташкилотлар лабораторияларида бажарилади.

Сертификация органининг асосий вазифалари:

- қабул қилинган тизим доирасида сертификатлаштириш тартибини ишлаб чиқиш;
- сертификация синовларини ўтказиш учун синов лабораторияларини аттестациялаш;
- ишлаб чиқарувчи корхоналардаги сифатни таъминлаш тизимларини баҳолаш;
- корхоналарни сертификация тизимларига қўйиш ҳақида қабул қилиш;
- мувофиқлик сертификатларини ёки маҳсулотнинг мувофиқлиги ҳақида тамға қўйиш ҳуқуқини бериш;
- сертификация маҳсулот рўйхатини олиб бориш;
- сертификация маҳсулот сифати ҳақида даъволарни кўриш.

Учинчи томондан сертификатлаштириш тизимлари:

- ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари қошида;
- асосий истеъмолчи ёки истеъмолчилар гуруҳлари қошида;
- стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлар томонидан;
- юқори халқаро обрўга эга ва тан олинган хусусий ташкилотлар томонидан;
- дўконларнинг кўп тармоқларига эга катта савдо ташкилотлар қошида яратилиши мумкин.





Учинчи томон сертификатлаштириш тизимининг ташкилий тузилмаси

Сертификатлаштириш тизимининг муҳим таркибий элементи корхоналардаги сифатни таъминловчи тизимлар фаолиятини текширадиган назорат органидир. Ундан ташқари, у сертификациялаш органининг лабораторияларида синовлар ташкил қилинишини даврий назорат қилиши мумкин.

Учинчи томондан сертификатлаштириш тизимига стандартлаштириш бўйича миллий орган ва метрологик хизмат киради. Биринчи орган зарур стандартлар ишлаб чиқилишини таъминлайди, иккинчиси эса амалдаги қонунчиликка биноан корхон ва синов лабораторияларда ўлчаш воситаларини текширади.

Айтиб ўтиш керакки, халқаро сертификатлаштириш ягона халқаро стандартларга риоя қилишни назарда тутлади. Агар корхона ўз маҳсулотини бошқа стандартлар бўйича чиқарса, у мазкур сертификатлаштириш тизимидан ташқарида қолади унинг маҳсулоти эса рақобатбардош бўлмайди.

2. Сертификатлаштиришнинг ташқи савдо шароитларига қиладиган таъсири

Объектив қараганда, сертификатлаштириш мамлакатлар орасидаги савдо алоқаларни осонлаштиради, чунки маҳсулот (товарни) бошқа мамлакатларга олиб кириш учун рухсат олиш *вақти* қисқаради ва импортер-давлатларда такрор синовлар ўтказиш учун харажатлар камаяди. Энг катта осонликка ягона халқаро стандартларга асосланган халқаро сертификатлаштириш тизими киритилганда эришилади.

Лекин сертификатлаштириш кўпчилик мамлакатларда миллий доирага киритилган. Натижада сертификатлаштириш миллий қоидалари, синовлар ўтказиш тартиблари ва уларнинг натижаларини чизмаийлаштириш маълум даражада фарқланади. Шунинг учун, халқаро савдода миллий сертификатлаштириш билан боғлиқ тўсиқларни бартараф қилиш кўп халқаро ташкилотлар давлат марказидадир. Мисол сифатида хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича умумевропа кенгашининг яқунловчи акти матнига (Хельсинки ш.) стандарт ва сертификатларни уйғунлаштириш (келиштириш) ҳақида махсус бўлим киритилишини келтириш мумкин.

Шу билан бирга миллий стандартлар ва сертификатлардаги фарқлар ҳамда айрим давлатлардаги маълум маҳсулотларга бўлган талаблардаги объектив фарқлар **протекционист мақсадларда**, яъни хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бу мамлакатлар бозорларига йўлни тўсиш учун қўлланади.

Масалан, бирорта мамлакат махсулотнинг шундай тавсифларини жорий қилган стандартни қабул қиладики, бошқа мамлакатлардан уни импорт қилиш жуда қийин бўлади ёки умуман иложиси бўлмайди. Агарда бу чора таъсир қилмаса, импорт қилинган буюмларнинг синовини ўтказиш учун мураккаб маъмурий процедуралар қўлланади. Ички бозорга хорижий буюмлар киришини камайтириш учун стандартни қўллашнинг кенг тарқалган мисоллари:

- стандарт орқали буюмлар маълум конструкцияли бўлиши ҳақида кўрсатма бериш;
- маълум материалларни қўллаш;
- буюмнинг бирорта тавсифий миқдорини бошқа мамлакатларда жорий қилинган миқдордан ошириб юбориш (масалан кафолат муддатини) ва ҳоказо.

Бундай протекционизм ҳақида ГФРнинг улгуржи ва ташқи савдо Бирлашмасининг Президенти Ганс Хайтвич ачиниб гапирган эди: "Ўз иқисодиётини мавҳум зарарли рақобатдан сақлаб қолиш ҳаракатларида ҳокимлик миллий органлари ўзларини жуда ижодкор кўрсатадилар. Умумий бозор мамлакатларида ҳозирни ўзида 900 дан ортиқ савдо алоқаларига бевосита тўсиқ бўладиган давлат техник регламенти амалда, мамлакат саноатини оғир рақобатдан сақлаб қолиш учун стандартларни кундалик мақсадлар билан боғлайдилар".

Қатор ҳолларда протекционист чоралар жамият таъсири остида қабул қилинади. Бу ҳолда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш, соғлигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қонуний актлар ва қарорлар қабул қилинади. Бундай давлат қарорлари (уларни айрим ҳолларда техникавий регламент деб атайдилар) буюмларга қўйиладиган батафсил техникавий шартлардан иборат ва қўлланиши мажбурийдир. Техникавий регламентлар овқат махсулотлари, фармацевтик товарлар, болалар ўйинчоқлари ва маиший приборларнинг хавфсизлиги, машина ва бошқаларни қамраб олади.

Сертификация қилишдан бош тортиш импорт қилувчи мамлакатда тегишли миллий стандарт йўқлига билан асосланади.

Хорижий товарларни дискриминация қилиш учун уларнинг сертификацион синовлари учун тўловларни миллий товар синовларига нисбатан оширадилар. Натижада, сертификат олиш учун катта тўлов махсулот экспортини, айниқса, кичик партияларни самарасиз қилади.

Сертификатлаштириш ва халқаро савдо. Юқорида сертификатлаштириш қатор ҳолларда хорижий рақибларга қарши қаратилган протекционист сиёсати воситаси сифатида қўлланади дейилган эди. Лекин барибир сертификатлаштиришнинг асосий мақсади — халқаро савдо учун яхши шароитлар яратишдир. Табиийки бу мақсад учун тегишли халқаро битимлар зарур. Бу муносабат билан "Токио раунд" (1979 й.) музокараларида имзоланган ГАТТнинг савдодаги техникавий тусиқлар ҳақидаги битим диққатга сазовор.

Битим иштирокчи мамлакатлар орасидаги савдо муносабатларида протекционизм ва дискриминация элементларини чегаралаш бўйича биринчи

ҳаракатдир (1983 й. августида ГАТТнинг тўла ҳуқуқли аъзолари 35 давлат ва минтақалар ҳамда ЕИК эди). У иштирокчи мамлакатларга қуйидаги асосий мажбуриятларни юклайди:

1) протекционист мақсадларда стандарт ва техникавий регламентлар қабул қилмаслик уларни ишлаб чиқишда мавжуд халқаро стандартларни ҳисобга олиш;

2) миллий синов марказлари ва маҳсулотни сертификатлаштириш тизимларига қўйишда бошқа иштирокчи мамлакатларни дискриминация қилиш;

3) стандарт ва техникавий регламентлар амалига нисбатан иштирокчи мамлакатлар товарлари миллий режимини бериш;

4) битимни имзолаган бошқа мамлакатлар ваколатли органлари томонидан берилган маҳсулот синовлари натижалари, стандартларга мувофиқлик сертификат ва белгиларини иштирокчи давлатлар томонидан имконияти бор жойларда тан олишини таъминлаш;

5) иштирокчи мамлакатлар ўртасида миллий стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича маълумот алмашиши.

Битимни миллий стандарт, техникавий регламент ва сертификатлаштириш қоидаларини халқаро стандарт ва тавсиялар билан келиштиришга қўмаклашади. Бу маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини оширишга экспорт имкониятлари яхшиланишига ёрдам қилади. Умуман олганда, битим унда қатнашган мамлакатлар ўртасида халқаро савдо меъёрлашиши ва кенгайишига қўмак бўлади.

Битим бажарилиши устидан назорат ГАТТ қўмитаси зиммасига юкланган. У битим амалга оширилишини кузатади, экспертлар гуруҳлари ёрдамида маслаҳатлар ўтказиш ва мунозараларни ечишга қўмаклашади. Ундан ташқари, қўмита битим амали доирасини кенгайтириш ва ундаги қоидалар мазмунига аниқлик киритиш ҳақида таклифлар беради. Қўмита котибияти вазифасини ГАТТ котибияти бажаради.

Сертификатлаштириш жабҳасида қатор халқаро ташкилотлар мавжуд. Улар ичидан Халқаро электротехника қўмитаси (ХЭҚ) электрон техника буюмларини (ЭТБ) сертификатлаштириш икки нуқай назардан қизиқдир:

• биринчидан, ЭТБнинг ишлаб чиқилган ҳар бир партияси меъёрий-техникавий хужжатларга мувофиқлиги синаладиган яккаю-ягона халқаро тизим;

• иккинчидан, унда собиқ совет иттифоқининг ишлаб чиқарувчи корхоналари иштирок этади.

ХЭҚ сертификатлаштириш тизимининг мақади ЭТБларга ягона талабларни жорий қилиш йўли орқали ишлаб чиқарадиган мамлакатлар ўртасида ҳамда буюмлар сифатини баҳолаш ва синашга бўлган савдога қўмаклашишдир.

Бу тизим иштирокчиларидан бирида ишлаб чиқарилган буюм бошқа иштирокчи мамлакатларда ҳам қайта синовлар ўтказмасдан бир хил мақбул бўлиши учун зарур.

Дастлабки ХЭҚ Америка ЭТБни дискриминация қилиш учун яратилган эди, чунки Америка ЭТБ Рарбий Европа ЭТБ дан рақобатбардошлироқ эди. Кейинчалик ХЭҚда дунё микёсида ЭТБни сертификатлаштириш масаласи кўтарилди.

ЭТБни ишлаб чиқарувчи ҳар қандай корхона ХЭҚ тизими доирасида ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни сертификатлаштириш ҳуқуқини берадиган лицензия олиши мумкин. Бунинг учун у ваколатли миллий ташкилотга келгусида ЭТБ ишлаб чиқарилаётган асос солувчи, умумий ва гуруҳий-техникавий шартлар номлари кўрсатилган буюртма йуллаши керак.

Бунда корхона миллий назорат хизмати вакилларига ЭТБ ишлаб чиқариладиган бўлимларга, агар улар тижорат нуқтаи назардан сирли бўлмаса, кириш имкониятини таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг сирли бўлимлари корхона бош назоратчиси кузатуви остида бўлиши керак. У корхона ва назорат хизмати ўртасида боғловчи звено бўлади.

Бош назоратчини асосий вазибалари:

- миллий назорат хизмати билан алоқани таъминлаш;
- қабул қилинган ЭТБ партиялари сифати учун жавобгарлик
- назорат ўлчашлар ва синовлар ҳисобини юритиш, улар натижаларни миллий назорат хизматида узатиш;
- қабул қилинган буюмлар партияларини мувофиқлик белгиси билан тамғалаш учун жавобгарлик;
- ишлаб чиқарилган партиялар синовлари протоколлари чизмаийлаштирилиши тўғрилиги;
- ЭТБ қўшимча синаш ва назорат ўтказиш учун жавобгарлик.

ХЭҚ тизими доирасида сертификат олган ишлаб чиқарувчи корхона бош назоратчи ва миллий назорат хизмати иштирокида буюмлар сифати устидан назорат ташкил қилиши шарт. Ҳар бир партияни қабул қилиш мезонлари мазкур ЭТБ турига қўйиладиган техникавий шартлар орқали жорий қилинади.

ХЭҚ тизими қоидаларига биноан қабул қилинган ЭТБ партияларини мувофиқлик белгиси билан тамғалайдилар ва уларга мувофиқлик сертификатларини бериш бош назоратчининг бевосита назорати остида амалга оширилади. Узоқ муддат сақланган ЭТБ партияларни жўнатишдан олдин, улар қайта синовлардан ўтади.

Ишлаб чиқарувчи қонунчилигига биноан рўйхатга олинган мувофиқлик белгиси ёпишқоқ тасма ёки буюмдон учун қўлланадиган бошқа материалга қўйилади. Белги ёнига қуйидаги маълумот берилади:

- миллий назорат хизматида ҳавола;
- корхонанинг аттестацияланиши ҳақида гувоҳномага ҳавола;
- назорат партиясига ҳавола.

ЭТБнинг қабул қилинган партияларига берилган мувофиқлик сертификати қуйидагилардан иборат:

- 1) корхона номи ва манзили;
- 2) корхонанинг савдо белгиси;
- 3) буюмнинг каталог бўйича тўла номи ва коди;

- 4) назорат партиясининг рақами;
- 5) буюмнинг мазкур турига қўйилган техникавий шартлар;
- 6) миллий назорат хизмати номи;
- 7) сертификат берган ваколатли шахс имзоси;
- 8) ишлаб чиқарувчи корхона аттестацияланганлиги ҳақида гувоҳноманинг рақами;
- 9) буюм қабул қилинган сана;
- 10) сертификат берилган сана.

Электротехник буюмларни халқаро сертификатлаштириш тизимнинг энг эски тизимларидандир. У 1926 йилда Норвегия, Швеция, Голландия ва Германия вакиллари электротехник буюмлари хавфсизлиги бўйича талаблар ва қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқишга қарор қилганларида яратилган.

1960 йилда сертификатлаштириш бўйича қўмита бунёд қилинган, у электротехник буюмларни сертификатлаштириш қоидаларини ишлаб чиққан. Халқаро савдони осонлаштириш ва ўтказиладиган синовлар ҳажмини камайтириш мақсадида синов протоколлари асосида берилган сертификатларни иштирокчи мамлакатлар томонидан ўзаро тан олишга кўмаклашадиган СВ сертификациялаш тизими таъсис қилинган.

1973 йилда СВ тизими доирасида электр жихозлар мувофиқлиги ягона белгисини қўллаш қоидалари қабул қилинган. Мазкур ташкилот электр жихозларнинг қайсиларига мувофиқлик белгиси тарқалишини белгилайди.

Сертификатлаш тизими бўйича катта ишлар сертификатлаштириш бўйича ишларни бошқарадиган қўмита (СЕРТИКО) бошчилигида ISO доирасида олиб борилади.

Унинг фаолияти қуйидагича белгиланган:

- *сертификатлаштиришнинг миллий ва минтақавий тизимлари, маҳсулот фойдаланиш ва бошқа тавсифларни жорий қиладиган стандартлар талабларига мувофиқлик белгиларини кенг, ўзаро тан олишга қаратилган воситаларни ўрганиш;*
- *«миллий ёки минтақавий сертификатлаштириш тизимларини протекционист мақсадларига қўллашнинг олдини олиш ёки чеклаш мақсадида тегишли битимлар тузиш қоида ва процедураларини ишлаб чиқиш.*

СЕРТИКО таркибида қуйидаги ишчи гуруҳлар тузилган:

- o атамашунослик;
- o «синовлар протоколлари шакли;
- o синов лабораториялари ўтказадиган ихтисослик синовлар;

- ҳуқуқий жавобгарлик масалалари;
- ISO га мувофиқлик белгиси;
- корхоналардаги сифатни таъминловчи тизимларни баҳолаш усуллари бўйича.

СЕРТИКО «Учинчи томон сертификатлаштириш тизимлари тегишли стандартларга оид принциплар тўплами» қўлланмасини ишлаб чиқди. У сертификатлаштириш миллий ва минтақавий тизимларини бошқа тизимлар билан мувофиқлиги ва уларда бошқа мамлакатлар иштирок қилиши нуқтаи назаридан ташкил этиш тамойилларини белгилайди.

Шунингдек миллий ва минтақавий сертификатлаштириш тизимларини яратишда улар иложи борича ISO нинг халқаро стандартларига асосланиши керак. Бунда бу стандартлар мувофиқликни сертификатлаштириш бўйича талаблардан таркиб топган бўлиши зарур:

- *сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот тавсифлари даражасини аниқ белгилаш;*
- *синаш ва ўлчашнинг аниқ ва қайта тикланадиган усуллари;*
- *стандартларга маҳсулот сифатини таъминловчи тизимларга бўлган талабларни киритиш;*
- *техника ва технологияни ривожланишига қўмаклашадиган шартлар.*

Қўлланма яратилаётган тизимларда ҳеч қандай тўсиксиз ҳамда дискриминацион шартларсиз барча маҳсулот ишлаб чиқарувчилар қатнашишини назарда тутди. У барча давлатлар тизимларида қатнашишга имкон бериш ва миллий сертификатлаштириш тизимларини ўзаро тан олиш йўли билан сертификатлаштириш воситалари орқали халқаро савдонинг ривожланиши учун яхши шароитларни яратишга қаратилган.

Хулоса

Сертификатлаштириш мамлакатлар орасидаги савдо алоқаларини осонлаштиради, чунки маҳсулот (товар)ни бошқа мамлакатларга олиб кириш учун рухсат олиш вақти қисқаради ва импорт қилувчи давлатларда такрор синовлар ўтказиш учун харажатлар камаяди. Энг катта осонликка ягона халқаро стандартларга асосланган халқаро сертификатлаштириш тизими киритилганда эришилади. Айрим ҳолларда сертификатлаштириш протекционист, яъни бу мамлакатлар бозорига хорижий ишлаб чиқарувчилар йўлини тўсиш мақсадларида қўлланади. Сертификатлаштириш соҳасида қатор халқаро ташкилотлар мавжуд.

3. Миллий сертификатлаштириш тизимлари

Саноати ривожланган давлатлардаги сертификатлаштириш. Саноати ривожланган давлатларда сертификатлаштириш асрнинг 20-30- йиларида пайдо бўлди. Лекин миллий сертификатлаштириш тизимлари кейинроқ яратилди. Қатор мамлакатларда улар фақат экспорт қилинадиган маҳсулот сифатини ошириш учун бунёд қилинган эди (Япония, Хиндистон, Югославия ва бошқалар).

Францияда NF белгили миллий сертификатлаштириш тизими учинчи томон сертификатлаштиришига мансуб ва:

- ишлаб чиқарувчи корхоналар буюртма беришини;
- корхоналарнинг сифатни таъминловчи тизимларини баҳолашни ўтказишни;
- маҳсулот намуналарини синовдан ўтказишни;
- маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган сертификат ёки лицензияларни беришни;
- ишлаб чиқариш ёки савдо доирасидан олинган маҳсулотни даврий назорат қилиш ҳамда корхоналарда назоратни амалга оширишни назарда тутди.

1983 йилда маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини бир неча минг хил маҳсулотни чиқарадиган 2000 корхона олган. Муфовиклик белгиси билан чиқарилган маҳсулотнинг умумий хажми 40 млрд. франкка етган.

1981 йилдан бошлаб Франция ҳукумати 18 миллий ташкилотни сертификатлаштириш бўйича ваколатли орган сифатида танолди, уларнинг ичида энг нуфузлиги AFNOR дир.

Германияда стандартларга мувофиқлик белгиси (DIN) 1920 йил немис стандарт институти томонидан таъсис қилинган. У маҳсулотнинг барча турларига (намуналар синовини ўтказиш ва ишлаб чиқаришни назорат қилишнинг махсус тартибига эга бўлган газ жихозлари, сув билан таъминлаш жихозлари ва бошқа айрим маҳсулотлар бундан истисно) тарқалган.

DIN стандартларига мувофиқликни сертификатлаштириш тизими маҳсулотнинг 110 гуруҳини қамраб олган. Унга маҳсулотни DG-WK (маҳсулотни тамғалаш немис ассоциацияси) белгиси билан тамғалаш учун 15000 дан ортиқ лицензия берилган. Бу сертификатлаштириш тизимида амалдаги қоидаларга риоя қилиш мажбуриятини олиш шарти билан хорижий етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

Германияда маҳсулотнинг аниқ турларини, масалан, электротехник ва электрон жихозларни сертификатлаштирадиган тизимлар ҳам мавжуд.

Электрон жихозларни сертификатлаштириш немис электротехника ассоциацияси (VDE) қарамоғи остида фаолият кўрсатади. DIN билан келишиб VDE электротехника, электроника ва алоқа доираларида миллий стандартлар ишлаб чиқади.

Умуман олганда, Германияда турли мавқега эга кўпгина сертификатлаштириш тизимлари амалда: ўз-ўзини сертификатлаштириш, 4 ва 5-тизимлар доирасида учинчи томон сертификатлаштириши (4.01-жадвал).

Буюк Британияда бошқа ривожланган мамалакатлардагидек бир неча миллий сертификатлаштириш тизимлари амал қилади. Уларнинг ичида энг каттаси Британия стандарт институти (БСИ) яратган тизимдир.

У миллий стандартларига мувофиқлик махсус белгисига эга. Мазкур тизим доирасида сертификатлаштириш ишларига раҳбарликни сифатни таъминлаш Бошқармаси БСИ QUAD амалга оширади. Маҳсулотни сертификатлаштириш тартиби Франция ва Германияда қўлланадиган тартибга ўхшайди.

Корхоналар БСИни огохлантормасдан махсулотни ўзгартирмайдилар. Махсулотга киритиладиган ўзгартиришлар фақат ўзгартирилган махсулот стандарт талабларига жавоб беришини тасдиқлайдиган синовлар ўтказгандан кейингина QUAD томонидан тан олинади. Лицензиянинг муддати бир йил, ундан кейин у чўзилиши керак.

Британия тизими 250 миллий стандартларни қамраб олди, миллий ва хорижий фирмаларга мингдан ортиқ лицензия берилган. БСИ мунтазам равишда сертификацион махсулотлар рўйхатини чоп этади ҳамда харидорлар учун қўлланма нашр этади, унда ҳар бир миллий стандарт бўйича берилган сертификат ҳақида маълумот беради.

АҚШда, Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқли равишда сертификатлаштиришнинг ягона қоидалари йўқ. Ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари ва хусусий компаниялар қошида юзлаб тизимлар амал қилади. Стандартлаштириш соҳасида ҳам ҳолат шундай, яъни стандартларни турли мавқега эга юзлаб ташкилотлар ишлаб чиқади, Шунинг учун мавжуд сертификациялаш тизимлари учун умумий мезонлар яратиш бўйича ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда синов лабораторияларини аккредитацияси миллий тизими яратилган ва сертификациялаш тизимларини рўйхатга олиш тизими яратилмоқда.

АҚШда сертификатлаштириш миллий миқёсда ҳам, халқаро миқёсда ҳам махсулот сифатининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу мамлакатда сертификатлаштириш мажбурийлиги ҳақидаги қонун амалда. Сертификатлаштиришнинг зарурати эса ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқараётган махсулотнинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлашга эришишни талаб қилади.

АҚШда Суғурта компаниялар миллий лабораторияси, Америка газ саноати корхоналари лабораторияси, Небраска штатидаги қишлоқ хўжалиги техникасини синаш маркази қошида яратилган сертификатлаштириш тизимлари катта обрўга эга. Улар билан бир қаторда 2000 дан ортиқ тижорат синов лабораториялари махсулотнинг кенг ассортиментини стандарт талабларига мувофиқлигини синаш бўйича ўз хизматларини таклиф қиладилар.

Сертификатлаштириш амалга ошириладиган стандартлар сифатида Америка стандартлар институти UL стандартлари, ёнгиндан сақлаш Миллий ассоциацияси стандартлари ва бошқалар хизмат қилади. Одатда АҚШ меъёрий ҳужжатлари талабларини ҳисобга олмаган халқаро стандартлар ва бошқа мамлакатларнинг стандартлари сертификация ўтказиш учун қабул қилинмайди, яъни импорт қилинадиган махсулотнинг маълум дискриминацияси мавжуд.

Японияда 1949 йилда мамлакат олимлари ва муҳандислари уюшмаси қошида сифатни назорат қилиш муаммосини ўрганиш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинган. 60- йилларнинг охирида эса мамлакатда ишлаб чиқаришда сифат назорати тўла ҳажмда татбиқ этилган.

Ишлаб чиқарилаётган махсулот сифатини таъминлаш асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- *корхона барча бўлинмалари ва ҳамма ходимлари иштирок этадиган махсулот сифатининг тўла назорати;*

- саноат тармоқлари бўйича маҳсулот сифати назорати соҳасида ўқитиш;
- сифат тўғарақлари фаолияти;
- сифат назоратининг статистик усулларини қўллаш;
- сифат ҳоаяларини тарғибот қилиш бўйича миллий компания.

Сифат муаммоларига бундай фундаментал ёндашишда Японияда сертификатлаштириш япон товарларнинг юқори сифат даражасини таъминлаш ва жаҳон бозорида улар рақобатбардошлигини ошириш воситаси сифатида кўрилади.

Саноат стандартлаштириш қонунига биноан маҳсулотни япон индустриал стандартлари JIS талабларига мувофиқлиги белгиси билан тамғалаш кўрсатилган. У мамлакатда саноат стандартларини оммалаштириш самарали воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда фирмалар даражасида сифат назорати усуллари тарқалишига кўмаклашади.

JIS белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини саноатнинг тегишли тармоқлар вазирлари беради. Мувофиқлик белгиси икки шаклда бўлади: "А" ва "В" шаклари, улар маҳсулот ва технологик жараёнлар миллий стандартларга мувофиқлигини белгилаш учун қўлланади. Ҳукумат JIS белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва технологик жараёнлар сифатини кафолатлайди.

1980 йилгача хорижий ишлаб чиқарувчиларга JIS белгисини қўллаш ман этилар эди. Кейинчалик хорижий етказиб берувчилар япон ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда сертификатлаштириш процедурасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Кўриб чиқилган мувофиқлик белгиси JIS билан бир қаторда Японияда ишлов берилган озиқ-овқатлар, қишлоқ хужалик ва балиқ маҳсулотлари учун JIS белгиси таъсис қилинган. У озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик ва ўрмон маҳсулотларини стандартлаштириш ва тегишли равишда тамғалаш бўйича қонун асосида киритилган.

Сертификатлаштириш тизимлари япон саноатининг барча тармоқлари: машинасозлик, электротехника, кимё саноати ва бошқаларни қамраб олади. 1983 йил мартада япон ва хорижий корхоналарга тегишли равишда тамғаланган маҳсулот чиқариш ҳуқуқини берадиган 16000 ва 20000 лицензия берилган.

Ҳозирги кунда саноати ривожланган мамлакатларда сертификатлаштириш барча соҳаларда татбиқ этилмоқда. Бу икки омил билан белгиланади:

- 1) истеъмолчига маҳсулот сифатининг барқарор даражасини таъминлашга интилиш;
- 2) ички ва ташқи бозорларда юқори рақобатбардошликни таъминлашга интилиш. Агар рақиблардан бири у ишлаб чиққан маҳсулот сертификатлашдан ўтди деса, бошқа рақобат қилувчи фирмалар зудлик билан ўхшаш чораларни кўришига мажбур.

Ривожланаётган мамлакатлардаги сертификатлаштириш.

Сертификатлаштириш ривожланаётган мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Миллий сертификатлаштириш тизимларининг ташкилий тамойиллари учинчи томон сифатлаштириш тамойилларига мос келади. Бундай ҳолат

ривожланаётган мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши туфайлидир.

Хиндистонда сертификацион белгиси 1952 йилда киритилган.

Маҳсулотни тамғалаш тизими, мувофиқлик белгисини боиқариш хиндистон стандартлар институти (ISI) зиммасига юклатилган.

Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган лицензия олиш учун ISI га мурожат қилиши мумкин. Буюртма олгандан кейин ISI корхона ҳамма бўлинмаларини, корхонага кириб келадиган материал, жамловчи узел ва деталлардан бошлаб охирги маҳсулотгача ўлчаш ва синаш жихозланганлигани текширади. Текшириш натижалари ижобий бўлса, корхона ўз маҳсулотини тамғалаш ҳуқуқини олади. ISI томонидан берилган ҳар бир лицензия таркибида маҳсулот намуналарини синаш ва назорат қилиш шакли бор.

Лицензия амалда бўлган муддат ичида ISI:

— *корхоналарга ISI назоратчилари мунтазам равишда ташириф буюрадилар, шу пайтларда назорат синовларини ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот намуналари ажратиб олинади;*

— *савдо доирасидан олинган маҳсулот намуналарини синайди;*

— *харидорлар ёки истеъмолчилар мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот сифати устидан қилган шикоятларни кўриб чиқади.*

Лицензия амалининг муддати бир йил, ундан кейин лицензия муддати чўзилиши керак. Бунинг учун корхона лицензия муддати туташига бир ойдан кам вақт қолмаганда ISI га мурожат қилиши керак. ISI нинг мувофиқлик белгиси хорижий маҳсулотга берилиши мумкин эмас, чунки у бирорта бошқа мамлакатда рўйхатга олинмаган.

Хиндистонда машинасозлик кимё, электротехник ва электрон саноат ва бошқа корхоналарга ўз маҳсулотини тамғалаш ҳуқуқини берадиган 10000 дан ортиқ лицензия берилган.

Таиландда сертификатлаштириш тизими 1968 йилда ташкил қилинган. Таиланд саноат стандартлари институти (TISI) бошқаради.

TISI сертификатлаштириш тизими ишлаб чиқариш ҳолатини доимий назорат қилиш ва маҳсулот синовларини ўтказишга мосланган.

Мажбурий сертификатлаштиришда импорт қилинадиган буюмлар миллий корхоналар буюмлари билан бир шароитларда тамғаланади.

Миллий сертификатлаштириш тизимлари миллий стандартлаштириш тизими бор бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам (масалан, Туркия, Колумбия ва боқш.) мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш. Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар (ISO, ИЛАК, ЕОК ва бошқ.) билан ҳамкорлиги мамлакатда бозор муносабатлари шаклланиш даврида, айниқса, зарур бўлиб қолади. Европа ҳамжамиятининг ягона бозор "ички чегараларсиз фазо" яратиш нияти бу ташкилотлар охирги йиллардаги стратегиясини аниқлаб берди. Унинг бош йуналиши бўлиб ЕК комиссияси билан ҳамкорликда халқаро савдодаги техникавий тўсикларни бартараф қилишдир.

Ўзбекистон Республикасида **сертификатлаштириш меъёрий негизини** ЎзРСТ5.0-98, ЎзРСТ 5.1-95, ЎзРСТ 5.2.-93, ЎзРСТ 5.3-92, ЎзРСТ 5.4-93, ЎзРСТ 5.5-93 ва Миллий сертификатлаштириш тизимининг (ЎзРМСТ) раҳбарлик хужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ЎзРМСТда қуйидаги фаолият турлари назарда тутилган:

- маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;
- синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш;
- бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;
- назорат органларини аккредитлаш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар, аккредитланган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) устидан инспекция назорати;
- мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат;
- айтиб ўтилган фаолият йўналишлари бўйича эксперт-аудиторларни тайёрлаш ва аттестациялаш.

Сертификатлаштириш маҳсулот, жараёнлар ва хизматлар:

- давлатлараро стандартлар (МДХмамлакатлари);
- Ўзбекистон Республика стандартлари ва бошқа маҳсулотга бўлган талабларни жорий қилган чизмаий нашр этилган хужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш органи (Ўздавстандарт) номида қўшилган сертификатлаштириш халқаро ва хорижий миллий стандартлари талабларига мувофиқлиги тасдиқни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида сифат тизимларини сертификатлаштириш меъёрий негизини ISOнинг 9000-серияли халқаро стандартлари ва ЎзРМСТнинг раҳбарлик хужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ISOнинг 9000-серияли стандартлар номи:

ISO-9000. Сифат умумий бошқаруви ва сифатни таъминловчи стандартлар. Танлаш ва қўллаш бўйича раҳбарлик кўрсатмалари.

ISO-9001. Сифат тизими. Лойихалаш ёки ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, монтаж ва хизмат қилишда сифатни таъминлаш модели.

ISO-9002. Сифат тизими. Ишлаб чиқариш ва монтаж пайтида сифатни таъминлаш модели.

ISO-9003. Сифат тизими. Якуний назорат ва синовларда сифатни таъминлаш модели.

ISO-9004. Сифатнинг умумий бошқаруви ва сифат тизими элементлари. Раҳбарлик кўрсатмалари.

9000-серияли ISO халқаро стандартлари ташилот (корхона)га сифат соҳасида қуйидаги масалаларни ечишга ёрдам беради:

— маҳсулот ёки хизмат сифатини истеъмоличлар аниқланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларини доим қондирилиши таъминлайдиган даражага эришиш ва уни сақлаб туриш;

— ўз раҳбариятида мулжалланган сифатга эришилмоқда ва у берилган даражада сақланиб турганлиги ҳақида ишончни таъминлаш;

— истеъмоличда мулжалланган маҳсулот сифати ва тақдим этилаётган хизмат сифатига эришилганлик ёки эришилиши лозимлиги ҳақидаги ишончни таъминлаш.

Ишончни таъминлаш агар контрактда назарда тутилган бўлса, исботларни тақдим этиш ҳақида ўзаро келишилган талаблар бўлиши мумкин.

ЎзРМСТ маҳсулот ва хизматларнинг мажбурий ҳамда ихтиёрий сертификатлаштиришни кўзда тутди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган сертификатлаштирилиши шарт маҳсулотлар рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган, олиб чиқиб кетиладиган ва олиб кириладиган маҳсулотлар мажбурий сертификатлаштирилади. Бу рўйхатга меъёрий ҳужжатларида фуқаролар ҳаёти, соғлиқ хавфсизлигини таъминловчи, атроф-муҳитни муҳрфаза қилиш, ўзаро алмашинувчанлик ва уйғунлаштириш талаблари белгиланган маҳсулотлар ҳамда фуқаролар хавфсизлиги ва соғлигини таъминловчи воситалар киритилади.

Маҳсулот, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни ихтиёрий сертификатлаштириш ишлаб чиқарувчи, истеъмолич ёки етказиб берувчининг ташаббуси билан амалга оширилади.

Сертификацион синовлардан муваффақиятли ўтган маҳсулотга (мазкур маҳсулот ишлаб чиқарилиши аттестацияланганлиги ҳақида гувоҳномага эга бўлса) сертификат берилади ва маҳсулотга мувофиқлик белгиси қўйилади.

Сертификацияни ташкил қилиш ва ўтказиш икки босқичдан иборат:

— *сертификатлаштириладиган маҳсулотни этиштириш ҳамда ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш ва татбиқ этиш;*

— *меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш сифатида маҳсулот сертификатлаштирилишини ташкил этиш ва ўтказиш.*

Биринчи босқичда сўз сертификатлаштирилалган маҳсулотни ишлаб чиқариш, иккинчи босқичда эса маҳсулот меъёрий ҳужжат ёки талабларнинг бошқа турига мувофиқлигини тасдиқлашни ташкил қилиш ва баҳолаш ҳақида юритилади.

4. Миллий синов марказлари тармоқларини ташкил қилиш

Сертификатлаштиришнинг иқтисодий шартлари

Сертификацион тизимнинг энг муҳим элементлари синов лабораториялардир. Улар маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи сертификат ёки лицензия берганда маҳсулот сифати даражаси ишончли баҳоланишини таъминлайди.

Аккредитатлаш пайтида қуйидаги талаблар қўйилади:

- назарий тайёргарлик ҳамда амалий тажриба билан тавсифланадиган техникавий билмларга эгаллиги;
- зарурий синов ва ўлчаш воситларининг мавжудлиги;
- ўлчашлар зарурий аниқлигини таъминлайдиган синаш ва ўлчаш жиҳозларини аттестациялаш (калибрлаш) воситалари ва усуллари мавжудлиги;
- энг янги илмий-техникавий ютуқларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган синов усуллари мавжудлиги;
- миқдор олдида умуман ва айрим ходимларнинг тижорат ҳамда бошқа мажбуриятлари йўқлиги билан тавсифланадиган лабораториянинг мустақиллиги;
- маҳсулот синовини ўтказиш сифатини назорат қилиш тизими мавжудлиги.

Сертификатлаштириш пайтида маҳсулот сифати даражасининг ишончли баҳосини олиш ҳар бир мамлакат олдида синов лабораторияларининг миллий тармоқларини яратиш масаласини қўяди.

Францияда синовларнинг миллий тармоғи RNE мавжуд. У ягона қоидалар ва процедуралар асосида синовларнинг юқори сифати ва бирлигини таъминлайдиган мувофиқлаштирилган кўп тармоқли синов лабораторияларининг ягона мажмуидир.

Синовларнинг миллий тармоғи RNE олдида уч мақсад қўйилган эди:

1. Синов лабораторияларини аккредитатлаш тизимини яратиш ва бошқариш бўйича ишларни бажариш, шунингдек синов лабораториялари иши сифати ҳақида кенг маълумотни таъминлаш.

2. Қуйидагиларни амалга ошира оладиган миллий органни яратиш:

— *ўз ичига такомил ахборотлаш ва синов лабораториялар хизматларидан корхоналар бемалол фойдаланишини олган синовларнинг миллий сиёсатини;*

— *амалдагилар билан биргаликда синовлар янги усуллари ишлаб чиқиш бўйича француз стандартлаштириш ассоциацияси (AFNOR) билан ҳамкорликда бўлиш;*

— *ишларни келишиш ва мувофиқлаштириш, лабораторияларни техникавий жиҳозлашга сарфланадиган капитал маблағларни оптималлаш.*

3. Хорижда фаолият кўрсатаётган ўхшаш аккредитатлаш тизимли лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижаларини тан олишни таъминлайдиган давлат даражасидаги тузилмани яратиш. Бу мақсадлар деярли амалга оширилган.

RNE таркибига бешта энг катта тармоқли синов марказлари киради:

- Ёғоч ишлаш саноати техникавий маркази (CSTB);
- Амалий кимё илмий-тадқиқот маркази (IRCHA);

- Марказий электротехника саноати лабораторияси (LCIE);
- Марказий йўл-кўприк кўриш лабораторияси (LCPC);
- Миллий синов лабораторияси (LNE).

LNE ўлчамлар, масса, босим, ҳарорат ҳамда спектрорадиофотометрия, ионловчи нурланиш соҳасида ўлчаш воситаларини текширадиган энг катта синов ташкилотидир. Лаборатория стандарт намуналар ишлаб чиқаради.

LNE Германия миллий синов лабораториялари, АКШ, Белгия, Голландия, Италия, Япония ва бошқа синов лабораториялари билан алоқани амалга оширади. Ундан ташқари, у ривожланаётган мамлакатларга метрология, синаш ва стандартлаштириш, тадқиқотлар ўтказиш, метрологик ва синов лабораторияларни яратиш, кадрлар тайёрлаш, қўшма тадқиқотлар ва бошқаларга ёрдам қилади.

Буюк Британияда 1960 йилда NPL Миллий физик лабораторияси қошида синов лабораторияларни аккредитлаш Миллий тизим (NATLAS)ни яратиш ҳақида қарор қабул қилинган. NATLAS синов лабораториялари синовларни ўтказишга тайёрлигини баҳолаш, аккредитлаш ва аттестат бериш ҳамда аккредитланган лабораториялар рўйхатини нашр қилиш керак. У саноат корхоналарга лабораториялар имконлари ва уларнинг синов воситалари ҳақида фикрлаш имконини беради.

NATLAS доирасида ҳамма ташкилий ишларни, синов жихозларни аттестациялаш масалаларини Британия метрология хизмати (BCS) билан келишиб, Миллий физика лабораторияси олиб боради. BCS барча ўлчаш воситаларини текширади ва чизмай хулоса чиқариб беради. NATLAS ва BCS иш дастурлари бир-бирини тулдиради.

NATLAS: устанавливаєт:

- *тизимнинг асосий тамойиллари ва иш усулларини;*
- *тизимни бошқариш бўйича ишларни;*
- *синов лабораторияларини баҳолаш мезонларини;*
- *аттестат шаклини;*
- *тизим тузилмаси ва уни тарқалиш доираларини жорий қилади.*

АКШда синов лабораторияларини аккредитлаш Миллий дастури (NVLAP) АКШ Савдо вазирлиги қошида яратилган. NVLAPни яратиш зарурати АКШда давлат органлари қошида ҳам, хусусий ташкилотлар қошида ҳам фаолият кўрсатаётган лабораторияларни баҳолайдиган кўп тизимлар мавжудлигида.

NVLAP синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича алоҳида дастурларни аккредитлашни назарда тутди. Дастурлар маҳсулотни стандартларга (миллий ёки халқаро) мувофиқлигини синаш жабҳаларини, синов усуллари ва мезонларини белгилайди.

NVLAP доирасида аккредитланиш учун синов лабораторияси чизмай равишда буюртма беради, унга лаборатория ишини ташкил қилиш ва унинг фаолияти доираси ҳақида маълумот илова қилинади. Аккредитациядан ўтган лабораторияга у қайси усуллар бўйича аккредитланганлиги кўрсатилган сертификат берилади. Аккредитация учун қилинган харажатларни лаборатория тўлайди.

Айтиб ўтиш керакки, АҚШ Савдо вазирлиги NVLAP аккредитациясини АҚШ билан савдо қилаётган бошқа мамлакатлар ҳам тан олишига интилади. Ундан ташқари, Савдо вазирлиги синов лабораторияларини аккредитлаш Халқаро конференцияси ишида фаол қатнашади. Қатнашишнинг мақсади — синов лабораторияларининг аккредитацияси ва синов натижаларини ўзаро тан олишни тезлаштириш.

АҚШда фирмалар синов лабораторияларининг мавжуд маҳсулотларини такомиллаштириш ва маҳсулотнинг янги турларини истиқбол ишлаб чиқишдаги роли катта. Турли синовлар ва такомиллаштириш асосида лабораториялар фирмаларнинг маҳсулот сифатини ошириш бўйича фаолиятига сезиларли улуш қўшадилар.

Шарқий Европа мамлакатларидаги синов марказлари. Чехияда синов лабораториялари фаолиятини мувофиқлаштиришни стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармаси амалга оширади. Республикада 40 дан ортиқ синов лабораториялари фаолият кўрсатади. Электротехник синов институти, Машинасозлик синов институти ҳамда Чехия прибор ва жиҳозларни аттестациялаш институти каби лабораториялар бевосита стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармасига буйсунади.

Бошқарма аккредитлаш натижалари бўйича хужжат беради, унга биноан лаборатория давлат синовларини ўтказиш, маҳсулотни қабул қилиш ва унинг сифатини баҳолаш ваколатларига эга бўлади. Бунда ваколатли лаборатория "№... Давлат синов лабораторияси" номини олади. Бу лаборатория ўзи чиқарган маҳсулотни назорат қила олмайди.

Давлат синов лабораториялари куйидаги вазифаларни бажаради:

— *марказий органлар таклифига биноан мажбурий синов қилинадиган маҳсулот рўйхатини тасдиқлаш;*

— *маҳсулотнинг назорат синовларини ўтказиш, унинг техникавий даражаси ва сифатини аниқлаш;*

— *маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш учун рухсат берши;*

— *ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш бўйича чоратадбирларни, стандартлаштириш бўйича ишларни, корхоналар назорат-ўлчаш асбоблари билан жиҳозланганлигини текшириш.*

Давлат синов марказлари ўхшаш маҳсулотлар қиёсий синовлари натижаларини нашр этадилар. Лабораторияларда биринчи навбатда экспортга мўлжалланган буюмлар мажбурий аттестацияланади ва назорат қилинади.

Болгарияда маҳсулотнинг давлат синовини Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан берилган тегишли ваколатларга эга лабораториялар ва марказлар (станциялар) амалга оширади. Давлат синов лабораториялари импорт маҳсулотларнинг сертификацион ва қабул синовларини; экспорт маҳсулотни текширишни; материал, хом ашё ва маҳсулотни эксперт ҳамда арбитраж намунавий ва назорат синовларини; маҳсулотни аттестациялаш синовларини амалга оширади.

Болгарияда маҳсулот синашга мамлакат саноати ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати даражасини аниқлаш ва буюмларнинг техникавий

тавсифларини объектив аниқлашнинг асосий воситалари сифатида катта ахамият берадилар.

Венгрияда маҳсулотни синаш бўйича иккита энг катта ташкилот фаолият кўрсатади: Ички савдонинг назорат институти ва Электротехник жиҳозларни синаш институти.

Назорат институти мажбурий текшириладиган миллий ва импорт қилинган буюмлар рўйхатини тасдиқлайди ва текширади. Институтнинг ижобий баҳосисиз улар савдо ташкилотларига тавсия қилинмайди.

Электротехник жиҳозларни синаш институти:

- электротехник маҳсулотни сертификациялаш синовларини;
- ишлаб чиқаришнинг техникавий назорат ташкили ва усуллари бўйича назоратини амалга оширади.

Бу институт электр жиҳозларни қабул қилиш бўйича Халқаро комиссияда электр хавфсизликни сертификатлаштириш тизимида иштирок этади.

Ўзбекистондаги синов марказлари. Миллий сертификатлаштириш тизимининг ташкилий тузилмаси:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертифшатлаштириш органи (МСО) (Ўздавстандарт);
- бир жинсли маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича илмий-услубий марказ ва усулбуй марказлар;
- бир жинсли маҳсулотларни ва хизматларни, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар;
- аккредитланган синов лабораториялари (марказлари);
- *назорат органларидан таркиб топган.*

МСО Ўзбекистон қонунчилигига биноан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ЎзРМСТнинг ягона қоида ва процедураларини, уларга риоя қилишнинг назоратини, сертификатлаштириш натижалари бўйича хужжатларни рўйхатга олишни, республика ва хорижий истеъмолчиларни информацион таъминотини жорий қилади;
- мувофиқлик белгисини ва уни қуллаш қоидаларини жорий қилади;
- ЎзРМСТни такомиллаштириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшиши ҳақида

қарорлар қабул қилади ҳамда сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақида битимлар тузади;

- сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон номидан чиқади;
- сертификатлаштирилиши мажбурий маҳсулот ҳамда хизматлар рўйхатини шакллантиради ва юритади;
- республикада сертификатлаштириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг тўғри ўтказилиши устидан назорат қилади;
- бир жинсли маҳсулот, сифат тизимлари, ишлаб чиқариш ва синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлайди;
- эксперт-аудиторларни аттестациялайди ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилади;
- ЎзРМСТ Давлат реестрини юритади;
- маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича ишлар ва сертификатлаштириш органлари ҳамда синов лаборатория (марказ)ларни аккредитлаш учун тўлов шакли ва тартибини белгилайди;
- қоидалар бузилгани сабабли ЎзРМСТ мувофиқлик сертификати ва белгиси амалини бекор қилади ҳамда вақтинча тўхтатади, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) аккредитлангани ҳақида гувоҳномаларни бекор қилади;
- сертификатлаштириш ва аккредитлаш натижалари бўйича апелляцияларни кўради;
- ЎзРМСТ реестри асосида сертификатлаштириш бўйича информацияни нашр этади ва манфаатдор томонларга эркин фойдаланишни таъминлайди.

Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун МСТ тадқиқот, илмий-техникавий, жамоат ташкилотлари, истеъмолчилар жамиятларини жалб қилади.

Ўзбекистон минтақаларида МСТнинг айрим вазифаларини, агар бу ваколатларни «Ўздавстандарт» уларга оширсан, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари (СМСХМ) бажариши мумкин.

«Ўздавстандарт» ўз вазифаларининг бир қисмини бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича марказий органларга ёки бош услубий марказларига топширишга ҳуқуқлидир.

СМСХМ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқарувчи (бажарувчи) ва маҳсулот етказиб берувчиларга сертификатлаштириш қоидалари ҳақида чизмаий ахборот беради;

- марказий сертификатлаштириш органлари (МСО), бош услубий марказлари (БУМ) билан сертификатлаштириш процедуралари бўйича бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштириш тизимлари доирасида ҳамкорлик қилади;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш давлат назоратини амалга оширади ва улар сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назорати ўрнатади;
- ҳудудда сертификатлаштирилган маҳсулот реестрини юритади;
- «Ўздавстандарт» топшириғи билан сертификатлаштириш бўйича ҳудудий органлар ва синов лаборатория (марказ)ларни сертификатлаштириш бўйича комиссияларни ташкил қилади ва уларнинг ишида иштрок этади, уларнинг фаолияти устидан инспекция назоратини амалга оширади.

Сертификатлаштириш ва назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш учун МССХМлар умумий қоидага асосан Ўз РСТ 5.2, Ўз РСТ 5.3 ва Ўз РСТ 5.4 га биноан аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан кейин СМСХМ синов турлари ва сертификатлаштирилган маҳсулот турларини аккредитлашнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари) ЎзР МСТ да қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- маҳсулотнинг сертификация синовларини ўтказиш ва синовлар баённомаларини бериш;
- сертификатлаштириш тартибда назарда тутилган бўлса сертификатлаштирилган маҳсулот намуналарини инспекция (назорат) синовларини ўтказиш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштиришда (ўтказилган синовлар тўғрилиги қисмида) қатнашиш.

Синов лабораториялар (марказлар) сифатида «Ўздавстандарт» ва унинг ҳудудий органларининг лабораториялари, илмий-тадқиқий ва конструкторлик ташкилотларнинг синов марказлари, бошқа турли мулкчиликка мансуб лаборатория ва марказлар аккредитланиши мумкин.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- сифат тизимларини дастлабки баҳолашни ўтказадилар ва сертификация ўтказиш учун шартномалар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усуллари ва сифат тизимларини текшириш дастурларини ишлаб чиқади;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқариш аудитини ўтказди;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқаришларга сертификатларни чизмайлаштиради, беради ёки тан олади;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаршилар устидан инспекция назоратини амалга оширадилар;
- сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот берадилар.

8.Мавзу: Мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаш

1.Сертификатлаштиришнинг иқтисодий шартлари

Сертификацион тизимнинг энг муҳим элементлари синов лабораториялардир. Улар маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи сертификат ёки лицензия берганда маҳсулот сифати даражаси ишончли баҳоланишини таъминлайди.

Аккредитатлаш пайтида қуйидаги талаблар қўйилади:

- назарий тайёргарлик ҳамда амалий тажриба билан тавсифланадиган техникавий билмларга эгаллиги;
- зарурий синов ва ўлчаш воситларининг мавжудлиги;
- ўлчашлар зарурий аниқлигини таъминлайдиган синаш ва ўлчаш жиҳозларини аттестациялаш (калибрлаш) воситалари ва усуллари мавжудлиги;
- энг янги илмий-техникавий ютуқларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган синов усуллари мавжудлиги;
- мижоз олдида умуман ва айрим ходимларнинг тижорат ҳамда бошқа мажбуриятлари йўқлиги билан тавсифланадиган лабораториянинг мустақиллиги;
- маҳсулот синовини ўтказиш сифатини назорат қилиш тизими мавжудлиги.

Сертификатлаштириш пайтида махсулот сифати даражасининг ишончли баҳосини олиш ҳар бир мамлакат олдига синов лабораторияларининг миллий тармоқларини яратиш масаласини кўяди.

Францияда синовларнинг миллий тармоги RNE мавжуд. У ягона қоидалар ва процедуралар асосида синовларнинг юқори сифати ва бирлигини таъминлайдиган мувофиқлаштирилган кўп тармоқли синов лабораторияларининг ягона мажмуидир.

Синовларнинг миллий тармоги RNE олдига уч мақсад кўйилган эди:

1. Синов лабораторияларини аккредитатлаш тизимини яратиш ва бошқариш бўйича ишларни бажариш, шунингдек синов лабораториялари иши сифати ҳақида кенг маълумотни таъминлаш.

2. Куйидагиларни амалга ошира оладиган миллий органни яратиш:
— *ўз ичига такомил ахборотлаш ва синов лабораториялар хизматларидан корхоналар бемалол фойдаланишини олган синовларнинг миллий сиёсатини;*
— *амалдагилар билан биргаликда синовлар янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича француз стандартлаштириш ассоциацияси (AFNOR) билан ҳамкорликда бўлиш;*

— *ишларни келишиш ва мувофиқлаштириш, лабораторияларни техникавий жиҳозлашга сарфланадиган капитал маблағларни оптималлаш.*

3. Хорижда фаолият кўрсатаётган ўхшаш аккредитатлаш тизимли лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижаларини тан олишни таъминлайдиган давлат даражасидаги тузилмани яратиш. Бу мақсадлар деярли амалга оширилган.

RNE таркибига бешта энг катта тармоқли синов марказлари киради:

- Ёғоч ишлаш саноати техникавий маркази (CSTB);
- Амалий кимё илмий-тадқиқот маркази (IRCHA);
- Марказий электротехника саноати лабораторияси (LCIE);
- Марказий йўл-кўприк кўриш лабораторияси (LCPC);
- Миллий синов лабораторияси (LNE).

LNE ўлчамлар, масса, босим, ҳарорат ҳамда спектрорадиофотометрия, ионловчи нурланиш соҳасида ўлчаш воситаларини текширадиган энг катта синов ташкилотидир. Лаборатория стандарт намуналар ишлаб чиқаради.

LNE Германия миллий синов лабораториялари, АКШ, Белгия, Голландия, Италия, Япония ва бошқа синов лабораториялари билан алоқани амалга оширади. Ундан ташқари, у ривожланаётган мамлакатларга метрология, синаш ва стандартлаштириш, тадқиқотлар ўтказиш, метрологик ва синов лабораторияларни яратиш, кадрлар тайёрлаш, қўшма тадқиқотлар ва бошқаларга ёрдам қилади.

Буюк Британияда 1960 йилда NPL Миллий физик лабораторияси қошида синов лабораторияларни аккредитлаш Миллий тизим (NATLAS)ни яратиш ҳақида қарор қабул қилинган. NATLAS синов лабораториялари синовларни ўтказишга тайёрлигини баҳолаш, аккредитлаш ва аттестат бериш ҳамда аккредитланган лабораториялар рўйхатини нашр қилиш керак. У саноат корхоналарга лабораториялар имконлари ва уларнинг синов воситалари ҳақида фикрлаш имконини беради.

NATLAS доирасида ҳамма ташкилий ишларни, синов жихозларни аттестациялаш масалаларини Британия метрология хизмати (BCS) билан келишиб, Миллий физика лабораторияси олиб боради. BCS барча ўлчаш воситаларини текширади ва чизмай хулоса чиқариб беради. NATLAS ва BCS иш дастурлари бир-бирини тулдиради.

NATLAS: устанавливаєт:

- *тизимнинг асосий тамойиллари ва иш усулларини;*
- *тизимни бошқариш бўйича ишларни;*
- *синов лабораторияларини баҳолаш мезонларини;*
- *аттестат шаклини;*
- *тизим тузилмаси ва уни тарқалиш доираларини жорий қилади.*

АҚШда синов лабораторияларини аккредитлаш Миллий дастури (NVLAP) АҚШ Савдо вазирлиги қошида яратилган. NVLAPни яратиш зарурати АҚШда давлат органлари қошида ҳам, хусусий ташкилотлар қошида ҳам фаолият кўрсатаётган лабораторияларни баҳолайдиган кўп тизимлар мавжудлигида.

NVLAP синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича алоҳида дастурларни аккредитлашни назарда тутди. Дастурлар маҳсулотни стандартларга (миллий ёки халқаро) мувофиқлигини синаш жабҳаларини, синов усуллари ва мезонларини белгилайди.

NVLAP доирасида аккредитланиш учун синов лабораторияси чизмай равишда буюртма беради, унга лаборатория ишини ташкил қилиш ва унинг фаолияти доираси ҳақида маълумот илова қилинади. Аккредитациядан ўтган лабораторияга у қайси усуллар бўйича аккредитланганлиги кўрсатилган сертификат берилади. Аккредитация учун қилинган харажатларни лаборатория тўлайди.

Айтиб ўтиш керакки, АҚШ Савдо вазирлиги NVLAP аккредитациясини АҚШ билан савдо қилаётган бошқа мамлакатлар ҳам тан олишига интилади. Ундан ташқари, Савдо вазирлиги синов лабораторияларини аккредитлаш Халқаро конференцияси ишида фаол катнашади. Қатнашишнинг мақсади — синов лабораторияларининг аккредитацияси ва синов натижаларини ўзаро тан олишни тезлаштириш.

АҚШда фирмалар синов лабораторияларининг мавжуд маҳсулотларини такомиллаштириш ва маҳсулотнинг янги турларини истиқбол ишлаб чиқишдаги роли катта. Турли синовлар ва такомиллаштириш асосида лабораториялар фирмаларнинг маҳсулот сифатини ошириш бўйича фаолиятига сезиларли улуш қўшадилар.

Шарқий Европа мамлакатларидаги синов марказлари. Чехияда синов лабораториялари фаолиятини мувофиқлаштиришни стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармаси амалга оширади. Республикада 40 дан ортиқ синов лабораториялари фаолият кўрсатади. Электротехник синов институти, Машинасозлик синов институти ҳамда Чехия прибор ва жихозларни аттестациялаш институти каби лабораториялар бевосита стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармасига буйсунади.

Бошқарма аккредитлаш натижалари бўйича хужжат беради, унга биноан лаборатория давлат синовларини ўтказиш, маҳсулотни қабул қилиш ва унинг сифатини баҳолаш ваколатларига эга бўлади. Бунда ваколатли лаборатория "№... Давлат синов лабораторияси" номини олади. Бу лаборатория ўзи чиқарган маҳсулотни назорат қила олмайди.

Давлат синов лабораториялари қуйидаги вазифаларни бажаради:
— *марказий органлар таклифига биноан мажбурий синов қилинадиган маҳсулот рўйхатини тасдиқлаш;*

— *маҳсулотнинг назорат синовларини ўтказиш, унинг техникавий даражаси ва сифатини аниқлаш;*

— *маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш учун рухсат берши;*

— *ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш бўйича чоратадбирларни, стандартлаштириш бўйича ишларни, корхоналар назорат-ўлчаш асбоблари билан жиҳозланганлигини текшириш.*

Давлат синов марказлари ўхшаш маҳсулотлар қийсий синовлари натижаларини нашр этадилар. Лабораторияларда биринчи навбатда экспортга мўлжалланган буюмлар мажбурий аттестацияланади ва назорат қилинади.

Болгарияда маҳсулотнинг давлат синовини Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан берилган тегишли ваколатларга эга лабораториялар ва марказлар (станциялар) амалга оширади. Давлат синов лабораториялари импорт маҳсулотларнинг сертификацион ва қабул синовларини; экспорт маҳсулотни текширишни; материал, хом ашё ва маҳсулотни эксперт ҳамда арбитраж намунавий ва назорат синовларини; маҳсулотни аттестациялаш синовларини амалга оширади.

Болгарияда маҳсулот синашга мамлакат саноати ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати даражасини аниқлаш ва буюмларнинг техникавий тавсифларини объектив аниқлашнинг асосий воситалари сифатида катта аҳамият берадилар.

Венгрияда маҳсулотни синаш бўйича иккита энг катта ташкилот фаолият кўрсатади: Ички савдонинг назорат институти ва Электротехник жиҳозларни синаш институти.

Назорат институти мажбурий текшириладиган миллий ва импорт қилинган буюмлар рўйхатини тасдиқлайди ва текширади. Институтнинг ижобий баҳосисиз улар савдо ташкилотларига тавсия қилинмайди.

Электротехник жиҳозларни синаш институти:

○ *электротехник маҳсулотни сертификациялаш синовларини;*

○ *ишлаб чиқаришнинг техникавий назорат ташкили ва усуллари бўйича назоратини амалга оширади.*

Бу институт электр жиҳозларни қабул қилиш бўйича Халқаро комиссияда электр хавфсизликни сертификатлаштириш тизимида иштирок этади.

Ўзбекистондаги синов марказлари. Миллий сертификатлаштириш тизимининг ташкилий тузилмаси:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертифкатлаштириш органи (МСО) (Ўздавстандарт);
- бир жинсли маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича илмий-услубий марказ ва усулбуй марказлар;
- бир жинсли маҳсулотларни ва хизматларни, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар;
- аккредитланган синов лабораториялари (марказлари);
- *назорат органларидан таркиб топган.*

МСО Ўзбекистон қонунчилигига биноан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ЎзРМСТнинг ягона қоида ва процедураларини, уларга риоя қилишнинг назоратини, сертификатлаштириш натижалари бўйича хужжатларни рўйхатга олишни, республика ва хорижий истеъмолчиларни информацион таъминотини жорий қилади;
- мувофиқлик белгисини ва уни қўллаш қоидаларини жорий қилади;
- ЎзРМСТни такомиллаштириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшиши ҳақида қарорлар қабул қилади ҳамда сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақида битимлар тузади;
- сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон номидан чиқади;
- сертификатлаштирилиши мажбурий маҳсулот ҳамда хизматлар рўйхатини шакллантиради ва юритади;
- республикада сертификатлаштириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг тўғри ўтказилиши устидан назорат қилади;
- бир жинсли маҳсулот, сифат тизимлари, ишлаб чиқариш ва синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлайди;
- эксперт-аудиторларни аттестациялайди ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилади;
- ЎзРМСТ Давлат реестрини юритади;

- махсулотни сертификатлаштириш бўйича ишлар ва сертификатлаштириш органлари ҳамда синов лаборатория (марказ)ларни аккредитлаш учун тўлов шакли ва тартибини белгилайди;
- қоидалар бузилгани сабабли ЎзРМСТ мувофиқлик сертификати ва белгиси амалини бекор қилади ҳамда вақтинча тўхтатади, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) аккредитлангани ҳақида гувоҳномаларни бекор қилади;
- сертификатлаштириш ва аккредитлаш натижалари бўйича апелляцияларни кўради;
- ЎзРМСТ реестри асосида сертификатлаштириш бўйича информацияни нашр этади ва манфаатдор томонларга эркин фойдаланишни таъминлайди.

Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун МСТ тадқиқот, илмий-техникавий, жамоат ташкилотлари, истеъмолчилар жамиятларини жалб қилади.

Ўзбекистон минтақаларида МСТнинг айрим вазифаларини, агар бу ваколатларни «Ўздавстандарт» уларга оширсан, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари (СМСХМ) бажариши мумкин.

«Ўздавстандарт» ўз вазифаларининг бир қисмини бир жинсли махсулотни сертификатлаштириш бўйича марказий органларга ёки бош услубий марказларига топширишга ҳуқуқлидир.

СМСХМ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқарувчи (бажарувчи) ва махсулот етказиб берувчиларга сертификатлаштириш қоидалари ҳақида чизмаий ахборот беради;
- марказий сертификатлаштириш органлари (МСО), бош услубий марказлари (БУМ) билан сертификатлаштириш процедуралари бўйича бир жинсли махсулотни сертификатлаштириш тизимлари доирасида ҳамкорлик қилади;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш давлат назоратини амалга оширади ва улар сертификатлаштирилган махсулот устидан инспекция назорати ўрнатади;
- ҳудудда сертификатлаштирилган махсулот реестрини юритади;
- «Ўздавстандарт» топшириғи билан сертификатлаштириш бўйича ҳудудий органлар ва синов лаборатория (марказ)ларни сертификатлаштириш бўйича комиссияларни ташкил қилади ва уларнинг ишида иштрок этади, уларнинг фаолияти устидан инспекция назоратини амалга оширади.

Сертификатлаштириш ва назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш учун СМСХМлар умумий қоидага асосан Ўз РСТ 5.2, Ўз РСТ 5.3 ва Ўз РСТ 5.4 га биноан аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан кейин СМСХМ

синов турлари ва сертификатлаштирилган маҳсулот турларини аккредитлашнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари) ЎЗР МСТ да қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- маҳсулотнинг сертификация синовларини ўтказиш ва синовлар баённомаларини бериш;
- сертификатлаштириш тартибида назарда тутилган бўлса сертификатлаштирилган маҳсулот намуналарини инспекция (назорат) синовларини ўтказиш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштиришда (ўтказилган синовлар тўғрилиги қисмида) қатнашиш.

Синов лабораториялар (марказлар) сифатида «Ўздавстандарт» ва унинг ҳудудий органларининг лабораториялари, илмий-тадқиқий ва конструкторлик ташкилотларнинг синов марказлари, бошқа турли мулкчиликка мансуб лаборатория ва марказлар аккредитланиши мумкин.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- сифат тизимларини дастлабки баҳолашни ўтказадилар ва сертификация ўтказиш учун шартномалар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усуллари ва сифат тизимларини текшириш дастурларини ишлаб чиқади;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқариш аудитини ўтказди;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқаришларга сертификатларни чизмайлаштиради, беради ёки тан олади;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаршилар устидан инспекция назоратини амалга оширадилар;
- сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот берадилар.

Сертификатлаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари. Сертификатлаштириш тизимини яратиш ўзи бирдан-бир мақсад эмасдир. Унинг самараси сертификатлаштирилган маҳсулот ички ёки ташқи бозорда сотилгандагина кўринади. Шунинг учун маҳсулот сертификатлаштиришини киритиш самарасини баҳолаш маҳсулот сотилишидан олинган самара C , сотишни таъминлаш учун қилинган харажатлар X билан солиштирилиш орқали амалга оширилади.

Самара мезони Π сифатида самара C нинг харажатлар X га нисбати қўлланади:

$$\Pi = \frac{C}{X}$$

Собиқ совет иттифоқида сертификатлаштириш одатда ташқи бозорда сотиладиган маҳсулот учун киритилар эди. Мамлакатнинг ички бозорида сотиладиган маҳсулот учун сертафикатлаштиришни киритиш мақсадга мувофиқ эмас эди, чунки монополизм ва дефицит шароитларида сифати паст, стандартлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар ҳам харид қилинар эди.

Бу хусусда шуни айтиш керакки, маҳсулот сифатини у ташқи бозорда рақобатбардош бўладиган даражагача кўтариш, унинг самараси ошишига олиб келади. Шунинг учун бундай маҳсулотдан мамлакат ичида фойдаланилганда ҳам у самаралироқ бўлади.

9.Мавзу: Сифатни бошқаришни иқтисодий кўрсаткичлари (2 соат)

1. Маҳсулот сифати учун сарф харажатлар миқдори. Харажатларни сифат даражаси билан боғлиқлиги.
2. Техника ва технологиянинг сифатни бошқаришдаги ўрни.
3. Сифат ва халқаро савдо уюшмаси талаблари.
4. Маҳсулот сифати ва давлат назорати.

Сертификатлаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари. Сертификатлаштириш тизимини яратиш ўзи бирдан-бир мақсад эмасдир. Унинг самараси сертификатлаштирилган маҳсулот ички ёки ташқи бозорда сотилгандагина кўринади. Шунинг учун маҳсулот сертификатлаштиришини киритиш самарасини баҳолаш маҳсулот сотилишидан олинган самара C , сотишни таъминлаш учун қилинган харажатлар X билан солиштирилиш орқали амалга оширилади.

Самара мезони Π сифатида самара C нинг харажатлар X га нисбати қўлланади:

$$\Pi = \frac{C}{X}$$

Собиқ совет иттифоқида сертификатлаштириш одатда ташқи бозорда сотиладиган маҳсулот учун киритилар эди. Мамлакатнинг ички бозорида сотиладиган маҳсулот учун сертафикатлаштиришни киритиш мақсадга мувофиқ эмас эди, чунки монополизм ва дефицит шароитларида сифати паст, стандартлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар ҳам харид қилинар эди.

Бу хусусда шуни айтиш керакки, маҳсулот сифатини у ташқи бозорда рақобатбардош бўладиган даражагача кўтариш, унинг самараси ошишига олиб келади. Шунинг учун бундай маҳсулотдан мамлакат ичида фойдаланилганда ҳам у самаралироқ бўлади.

5.Маҳсулотларни сертификатлаштириш ишларини ўтказиш тартиби

Сертификатлаштириш идорасининг асосий йўналиши аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида, Республикадаги стратегик мухит ахамиятга эга бўлган корхоаналарда ишлаб чиқариладиган ва валюта

шартномалари бўйича Республикага олиб келинадиган маҳсулотларни сертификатлаштиришдан иборат.

Сертификатлаштириш идораси бўйича мутахассисларнинг асосий мақсади сертификатлаштиришга тақдим қилинган буюртма-аризаларни Ўзбекистон Республикаси “Миллий сертификатлаштириш тизими”даги амалда бўлган меъёрий хужжат талаблари асосида кўриб чиқиб сифатли бажаришга қаратилган. Сертификатлаштириш ишларини Ўзбекистон Республикаси “Миллий сертификатлаштириш тизими”даги меъёрий хужжатлар талаблари асосида сифатли бажариш учун идора томонидан O’z Dst ISO 9001 талаблари асосида сифат менежменти системаси хужжатлари ишлаб чиқилиб, жорий қилинган.

Сертификатлаштириш идораси ўз фаолияти йўналишида асосан қуйидагилар назарда тутилган:

- ✓ Юқори малакали мутахассислар билан таъминланиши;
- ✓ Сертификатлаштириш ишларини ўз муддатларида, юқори сифатли тарзда мақбул нархларда амалга ошириш;
- ✓ Сертификатлаштириш идораси ахборотларни сир сақлаш, ғайрсизлик қоидаларига ва сертификатлаштириш натижаларини ҳаққонийлигини таъминлашда буюртмачиларга кафолат бериш;
- ✓ Буюртмачилар ва бошқа манфаатдор томонлар талабларини тўла қондириш мақсадида сифат менежменти тизимини доимий ривожлантириб бориш.

Сертификатлаштириш идораси раҳбарияти доимий равишда сертификатлаштириш ишлари натижалари ва сифат соҳасидаги фаолиятини таҳлил қилиш, ҳамда сифат тизимларини бошқариш бўйича масъул хисобланади.

МАҲСУЛОТЛАРНИ УЗЛУКСИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

- Мижоз ўрнатилган тартибда Сертификатлаштириш Идорасига буюртма-ариза тақдим қилади;
- Сертификатлаштириш Идораси (СИ) аризани кўриб чиқиб қарор қабул қилади;
- С.И мутахассиси топширилган хужжатларни тахлилини ўтказди;
- Ўрнатилган тартибда мутахассис мижоз иштрокида ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни сақлаш шароитлари ўрганиб чиқади;
- Технологик жараёнда қўлланиладиган ўлчов воситаларининг ҳолати кўздан кечирилади;

- Тайёр маҳсулотни тўпидан миждоз иштрокида М.Х талаблари мутахассис намуналар танлайди ва намуналар танлаш ва идентификация далолатномаси тузилади;
- Танланган намуналар синов лабораториясига топширилади;
- Миждоз ва С.И ўртасида ўтказиладиган сертификатлаштириш ишлари бўйича шартнома тузилади;
- Синовдан ўтказилган ва меёрий хужжатлар талабларига жавоб берадиган маҳсулотга, ишлаб чиқариш учун мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилади;
- Сертификатлаштириш ишларини тўлови ўтказилгандан сўнг, мувофиқлик сертификати миждозга берилади.

Республика синов ва сертификатлаштириш маркази қошидаги сертификатлаштириш идорасининг фаолият соҳаси

Сертификатлаштириш идораси, фаолиятни олиб бориш учун “Ўзстандарт” агентлигидан аккредитациядан ўтказилган бўлиб, №UZ.AMT. MAI. 164 аттестати тақдим қилинган. Унинг аккредитациялаш доирасига қуйидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш киради:

- Электротехника маҳсулотлари (Технологик жихозлари);
- Автомобил воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари;
- Озиқ-овқат маҳсулотлари;
- Нефт ва газ маҳсулотлари;
- Гусеницаи техникалар;
- Ўлчаш воситалари;
- Кимё маҳсулотлари;
- Полимер маҳсулотлари;
- Минерал ўғитлар;
- Халқ истеъмол маҳсулотлари ва бошқалар.

**Республика синов ва сертификатлаштириш маркази қошидаги
сертификатлаштириш идораси маҳсулотларни сертификатлаштириш ва
синовларини олиб бориш мақсадида:**

Вилоятлардаги 17 та худудий синов ва сертификатлаштириш
марказларининг сертификатлаштириш идоралари ва аккредитланган
синов лабораториялари;

Республика сифат тизимларини жорий қилиш бўлими;

16 тадан ортиқ турли йўналишлар бўйича аккредитланган синов
лабораториялари, ҳамда

ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИ:

“GRUNDFOS-EXPORT”

“LIEBHERR-EXPORT AG”

“KOMATSU”

“HEWLETT PACKARD”

“OTOYOL SANAYI A.S”

“TEREX – GERMANY GMBH”

“TEREX – EQUIPMENT Ltd”

“Purolite International Ltd”

“Crass Ventures Ltd”

“GRUNDFOS PUMPEN VERTRIEB GMBH” билан ҳамкорликда иш олиб
боради.

ООО “Видеоскоп”

**Республика синов ва сертификатлаштириш маркази божхона
терминаллари қошидаги сертификатлаштириш идораси**

Республика маркази қошидаги сертификатлаштириш идораси
“Ўзстандарт” агентлиги тизимига киради.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш ва уларнинг вақтини тежаш мақсадида,
Тошкент шаҳрида жойлашган олтита божхона терминалларида

- Аэропорт
- Акциз
- Атторлик
- Арк-булок

- o Зафари
- o Сергели

Сертификатлаштириш бўлимлари мавжуд бўлиб, малакали мутахассислар томонидан тадбиркорларга намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Фаолият соҳаси

Сертификатлаштириш идораси фаолиятини олиб бориш учун аккредитациядан ўтган бўлиб, унинг аккредитация доирасига қуйидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш киради:

- o Электротехника маҳсулотлари (Технологик жихозлар);
- o Автомобил воситалари ва унинг эҳтиёт қисмлари;
- o Мебель маҳсулотлари;
- o Енгил саноат маҳсулотлари;
- o Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
- o Парфюмерия ва косметика, санитария, гигиена воситалари, идишлар;
- o Болалар ўйинчоқлари, велосипедлар;
- o Нефт маҳсулотлари;
- o Гусеничали техникалар;
- o Ўлчаш воситали;
- o Қоғоз маҳсулотлари;
- o Полимер маҳсулотлари;
- o Қурилиш маҳсулотлари;
- o Минерал ўғитлар;
- o Текстил маҳсулотлари;
- o Халқ истеъмол маҳсулотлари ва бошқалар.

Сертификатлаштириш идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги №140-сонли “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми талабларини бажариш мақсадида:

- o Прокуратура қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти;

- o Давлат божхона кўмиталари;
- o Давлат солиқ инспекциялари;
- o Ички ишлар бошқармалари томонидан давлат даромадига олиб қўйилган маҳсулотларни экспертизадан ўтказиб хулоса расмийлаштириб беради.

Маҳсулотни тўпи бўйича сертификатлаштириш ишларини тартиби

- Мижоз ўрнатилган тартибда декларация – ариза топширади;
- Сертификатлаштириш органи (СО) декларация аризани кўриб чиқиб қарор чиқаради;
- Ўрнатилган тартибда мутахассис идентификацияни ўтказиб маҳсулотни тўпидан мижозни иштрокида намуналар танлайди ва намуналар танлаш далолатномасини тузади
- Танланган намуналар синов лабораториясига топширилади;
- Мижоз ва С.О ўртасида ўтказиладиган сертификатлаштириш ишлари бўйича шартнома тузилади;
- Синовдан ўтказилган ва меёрий хужжатлар талабларига жавоб берган маҳсулотни тўпига мувофиқлик сертификат расмийлаштирилади;
- Сертификатлаштириш ишларини тўлови ўтказилгандан сўнг, мувофиқлик сертификати мижозга берилади.

Маҳсулотни сертификатлаштириш учун тақдим этиладиган хужжатлар

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив хужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- Маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товарнинг илова хужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, счё-т-фактура) нусхаси.

Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш тартиби

- Мижоз ўрнатилган тартибда декларация – ариза топширади;
- Сертификатлаштириш органи (СО) декларация аризани кўриб чиқиб қарор чиқаради;
- Ўрнатилган тартибда СО мутахассиси мижоз иштрокида маҳсулотни тўпини идентификациясини ўтказади;
- Ўтказилган сертификатлаштириш ишлари учун мижозга тўлов шартномаси расмийлаштирилади;

- Олинган хужжатлар ва материалларни тахлил қилиш, шунингдек маҳсулотни идентификациялаш асосида сертификатлаштириш органи чет эл мувофиқлик сертификатини эътироф этиш (этмаслик) тўғрисида қарор қабул қилади;
- Сертификатлаштириш ишларини тўловини ўтказилгандан сўнг, мувофиқлик сертификати миждозга берилади.

Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш учун тақдим этиладиган хужжатлар

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив хужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- Маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- Ўзбекистон Республикаси божхона худудига етиб келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товарнинг илова хужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхаси;
- Чет эл мувофиқлик сертификати (чиқарувчи, берган сертификатлаштириш органи ёки нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси).

Маҳсулотларни узлуксиз ишлаб чиқаришда сертификатлаштириш учун буюртмачилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар

- Буюртма – ариза;
- Сертификатлаштирилаётган маҳсулотга тегишли меъёрий хужжат нусхаси;
- Гигиена сертификати ва синов баёномалари нусхаси;
- Маҳсулот ёрлиғидан нусха.

ВАЛЮТА ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ УЧУН БУЮРТМАЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР

- Буюртма – ариза;
- Шартнома нусхаси;
- Сертификатлаштирилаётган маҳсулотга тегишли меъёрий хужжат нусхаси;
- Гигиена сертификати ва синов баёномалари нусхаси;
- Сифат тизими сертификати;
- Маҳсулот ёрлиғидан нусха.

**МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН
ТЎЛОВ ҚИЙМАТЛАРИ (2008)**

№	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРИ	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН КЕТАДИГАН ВАҚТНИНГ 1 СОАТИ УЧУН ТЎЛОВИ (сўм)
1	Буюртма аризаларни қабул қилиш ва ҳужжатлар тўлиқлигини текшириш.	4760
2	Намуна танлаб олиш хизматлари учун	4760
3	Маҳсулот бир хиллигини тасдиқловчи идентификация далолатномасини расмийлаштириш учун	4760
4	Ишлаб чиқариш шароитларини ўрганиш хизматлари учун	4760
5	Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун (1 дона)	4770

**10. Мавзу: Истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан
ҳимояланиши (2 соат)**

1.Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Ҳалқаро мекиёсда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни 1983 йилдан бошлаб нишонланадиган бўлди. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш куни нишонланишига асос бўлувчи Америка Қўшма Штатлари президенти Джон Кеннеди 1961 йил 15 мартдаги АҚШ конгрессида қилган маърузасида истеъмолчиларнинг 4 асосий ҳуқуқларини таъкидлаб ўтади. Улар: истеъмолчиларнинг танлаш ҳуқуқлари, истеъмолчилар хавсизлигини таъминлаш, ахборот эркинлиги, ўз фикрларини баён этиш ҳуқуқлари эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 9 апрел 1985 йилдаги кенгашида “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тамоиллари” хақида қарор қабул қилинади ва АҚШ президенти Дж. Кеннеди атганларига қуйидагилар қўшимча қилинади: билим олиш, озиқ-овқат маҳсулотларидан қониқиш, уй-жойга эга бўлиш, кийиниш, ичиш, сифатли хизматга ва ҳуқуқлари паймол бўлган тақдирда уларнинг ўрнини қоплаш қўшимча холида тавсия этилди ва бу ҳақда БМТ қарор қабул қилди.

Россия федерациясида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги қонун 1992 йилда қабул қилинади ва 1994 йил 15 март куни “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” куни байрам сифатида нишонланиши белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 1996 йил 26 апрелда қабул қилинади. Ушбу қонунга 2002 йил 5 апрелда 364-II – сонли, 2003 йил 25 апрел 482-II – сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида қўшимчалар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳар томонлама мукамал ишлаб чиқилган ва 30 та модданинг ўз ичига олади. Қонунда қўлланиладиган барча асосий тушунчалар аниқ, тушунарли ва халқаро нормаларга тўла жавоб берадиган ҳолда ўз ифодасини топган.

“ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН (26.04.1996 й)

Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон қонуни, ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон қонуни

1-модда. Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа маъсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс); (ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

ишлаб чиқарувчи - истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор; (ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

ижрочи - маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор; (ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

сотувчи - олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор; (ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

шартнома - товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

товар - ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти;

норматив ҳужжатлар - стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси ҳамда мувафақият фармокопея қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги - товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

мувофиқлик сертификати - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган

талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

товар (иш, хизмат)нинг нуқсони - товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони - товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик;

кафолат муддати - товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

хизмат муддати - товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

яроқлилиқ (сақлаш) муддати - муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

касса чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса апаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

товар чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

2-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини камайтириши мумкин эмас.

3-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

4-модда. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши; ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавfli нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

5-модда. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи),

савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юримдик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юримдик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилдан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

6-модда. Товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;
товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;
товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари; театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

7-модда. Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдида қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

8-модда. Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб олинаётган товар (иш, хизмат)

сифатини текшириш ҳуқуқи

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган захоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

9-модда. Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади. (ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги модда матни)

10-модда. Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби

Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

11-модда. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади.

12-модда. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи

Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ:

ишлаб чиқарувчи (ижрочи);

норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;

мувофиқлик сертификати берган орган;

соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация

қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиши шарт, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан албатта утилизация қилиниши керак. Бу мажбуриятлар ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

13-модда. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари

Нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарни айна шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд

учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;
шартномани бекор қилиб, қўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилиқ муддати мобайнида;
кафолат муддати ва яроқлилиқ муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса; мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқлаган тақдирда, бутун тўпلام, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда қўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

14-модда. Нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартиби

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айти шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир

вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

15-модда. Товар нуқсонларини бепул бартараф этиш тартиби

Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондиди назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбиқ этилмайдиган узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Товардаги нуқсонларни бартараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек нуқсонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

16-модда. Истеъмолчининг нуқсонли товарнинг харид нархин нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

17-модда. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилган тақдирда у билан ҳисоб-китоб қилиш

Нуқсонли товар айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фаркни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйилган пайтдаги қийматига қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кредитга сотилган бўлса, шартнома бекор қилинган тақдирда, пул суммаси товар қайтарилаётган пайтга қадар узилган кредит миқдоридан қайтариб берилди, шунингдек кредит берганлик ҳақи тўланади.

Ҳажми катта ёки вази беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда товарни элтиш ва қайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ харажатларини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) қоплаши шарт.

18-модда. Истеъмолчининг мақбул сифатли товарни алмаштириб олиш ҳуқуқи

Истеъмолчи мақбул сифатли ноозик-овқат товарини харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

19-модда. Ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал

қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса, ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқларни: ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуқсонлар аниқланган тақдирда;

кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

иморат ёки бошқа кўчмас мулкда нуқсонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чиқариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуқсонлар, агар шартномада бир мунча қисқароқ муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни қоплаши уни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалдан

фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуксонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалдан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки баравар қилиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун қабул қилиб олинаётган ашё (материал) қиймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуксонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор қилиш пайтидаги ошган нархини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочи ушбу Қонуннинг 20, 22, 27, 29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган қоидалар билан аниқланади.

20-модда. Товар (иш, хизмат)нинг нуксонлари туфайли етказилган зарар учун мулкӣ жавобгарлик

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуксонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуксони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

21-модда. Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқий эмаслиги

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.

22-модда. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкӣ зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

23-модда. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Давлат истеъмолчиларнинг товар(иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

24-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият органлари:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар;

истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар;

ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ваколатлари

(ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги модда номи)

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида: (ЎЗР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидир;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

26-модда. Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида: (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар

йўллайдилар, шунингдек бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор қиладилар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари тақдирда уларнинг устидан судларда даъво кўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиқлаштириб боради.

27-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари, агар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товласа ёки ўз вақтида бажармаса, унга жарима солишга ҳақли. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

"Ўзстандарт" агентлиги ва ушбу Қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган давлат бошқарувининг бошқа органлари: (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

товарларни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаш қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;

ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса; норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима миқдори ва уни ундириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Жарима сўзсиз ундириб олинади.

Жарима солиш ишлаб чиқарувчини (ижрочини, сотувчини) йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод этмайди. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонунига мувофиқ бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлар деб ҳисоблансин

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд жарима солиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ариза бериш, агар суд кўрсатмаларнинг ёки жарима солиш ҳақидаги қарорнинг ижро этилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқармаган бўлса, уни судда кўриб чиқиш даврида бу ҳужжатларнинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ҳақидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан

назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

28-модда. Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.

29-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзгатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

30-модда. Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир.

Ҳозирги кунда, сир эмас бутун дунёда истеъмолчилар ҳуқуқлари турли даражада поймол этилиши давом этмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол бўлишига қарши барча ривожланган давлатларда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” федерациялари тузилган.

Бу борада энг масулиятлик ишни стандартлаштириш ташкилотлари амалга ошираяпти.

Албатта, сизга талабга жавоб бермайдиган махсулот сотилган бўлсаю, сотувчи ёки етказиб берувчи сизнинг талабингизга (этирозингизга) ижобий жавоб бермаса, ундай ҳолларда ҳуқуқ тарғибот, жамоат ташкилотлари ёки адвокатура идораларига мурожаат қилишингиз мумкин, улар эса фақат қонунгаамал қилган ҳолда иш кўрадилар. Сиз эса “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни яхши билишингиз керак бўлади. Қонунни яхши билиш муаммони ечимини топишда катта куч ҳисобланади.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар

Хожахмедов Ғ.Х

“Сифат менежменти” фанидан

ЛОЙИХА АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тошкент 2010

ПЕДОГОГИК АННОТАЦИЯ

Фаннинг номи: “Сифат менежменти”.

Мавзунинг номи: “Сифат ва хизматлар соҳасида Халқаро стандартлар” (нон ва нон маҳсулотлари сифатини баҳолаш).

Иштрокчилар: Магистратура бўлими, менежмент йўналиши 1-босқич магистрантлари.

Ўқитишнинг асосий мақсад. Ўқув курси бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш мақсадида нон маҳсулотлари сифатни кафолатловчи сертификат олиш учун муружаат қилувчиларга юқори малакали хизмат кўрсатишдир.

Магистрлар лойихани мувофакъиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган таянч билим ва кўникмалари:

- Норматив ҳужжатлар билан ишлаш (НТХ);
- Республика ва халқаро стандартларни билиши;
- Маҳсулотга сертификат бериш тартиби ва талабларини билиш;

Режалаштирилган машғулот натижалари:

- Корхона имкониятларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- Нон маҳсулотларини янги турларини ишлаб чиқиш ва сертификатлаштириш;
- Мувофиқлик сертификатларини халқаро ИСО - стандартларига жавоб бериши;
- “Сертификат - NON” ОАЖ фаолияти ва имкониятлари.
- “Сертификат - NON” ОАЖнинг берадиган мувофиқлик сертификатларини ишончлилиги ва уни ошириш усуллари;
- “Сертификат - NON” ОАЖнинг стратегик режалари.

Ушбу кейс реал фаолият юритувчи корхона мисолида бўлиб ОАЖ “Сертификат - NON”дир.

Маълумот манбаалари:

- “Ўздавстандарт” агентлиги низоми;
- “Сертификат - NON” ОАЖ бизнес режаси;
- “Сертификат - NON” ОАЖнинг охириги беш йиллик хисоботлар таҳлили;
- Иванов Б.В., Корешков В.Н., Схиртиладзе А.Г. Системы, методы и инструменты менеджмента качества. ПИТЕР М. 2008. 560;

- Магомедов М.Д., Рыбин А.В. Управление качеством в отрасли пищевой промышленности. «Дашков и К». Москва 2006. 120;
- Лойиха амалий, сюжетли (хаётий вазиятларни ечимини топишга қаратилган);
- Лойихадаги вазият ўтган воқеяликнинг hozirги кундаги ечимига бағишланган;
- Лойиха аниқ ва статистик маълумотларга асосланган холда тузилган;
- Лойиханинг таркиби қисқа ва аниқ ифодаланган;

Лойиханинг дидактик мақсадлари: янги стратегиялар жадаллаштирувчи ва субъектга оид вазиятни ривожлантириш йўллари аниқлашдир. Шу муносабат билан лойихада аниқ муаммо шакиллантирилган ва уни ечими алгоритми ишлаб чиқилган. Энг замонавий ўқув материаллари сифатида охириги 2-3 йил давомида чоп этилган адабиётлардан маълумотлар келтирилган.

Кириш (Введение)

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон хомашё ишлаб чиқарувчи захирадан йирик индустрия гигантига айланди. Қисқа давр ичида Ўзбекистонни дунё тан олди. Юртимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар орқали жахон ахли ўзбеклар заминига ҳам қизиқиш, ҳам хайрат билан қарай бошладилар. Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистон истиқбол сари далил қадам ташлаб эл-юрт фаровонлиги учун мустаҳкам пойдеворни яратди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг дунё андозаларига монанд равишда истеъмолчиларга етказиш сиёсатимизнинг энг устивор йўналишларидан бирига айланди.

Хамма даврда ҳам инсонлар талабини қондириш учун кераклик миқдорда ва кераклик хажмда махсулот ишлаб чиқиш учун ҳаракат қилиш жамият тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Бу дунёда ҳар қандай махсулот ишлаб чиқаришда унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ўша юртни, миллатни фаровонлигини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Барча соҳаларда бўлгани сингари нон махсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам туб ислохатлар амалга оширилди. Буларнинг хаммаси халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган.

Ҳозирда сифат ва уни моҳияти корхонанинг ҳар томонлама ўсиши ва ривожланишига кафолат беради. Чунки сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш учун корхона, техника ва технологияни, ишчилар малакасини, бошқарув тизимини замон талаби даражасида шакиллантириш лозим. Бу ўз навбатида халқаро ИСО – стандартлари талабига жавоб берадиган махсулот ишлаб чиқаришга эришиш деганидир.

Қуйида лойиха мақсадидан келиб чиққан холда уни стратегияси ва тактикасини ифодалаб берамиз:

- Корхона фаолиятдан келиб чиқиб уни ички ва ташқи имкониятларига аниқ баҳо бериш;
- Махсулот ва хизматларга сифатини кафолатловчи мувофиқлик сертификатини беришда халқаро стандарт кўрсаткичлари даражасида текширув тажриба ишларини йўлга қўйиш;


- Корхона бошқарувида мустакил фикр юритишга ва тўғри қарор қабул қилишга эришишимиз лозим;
- “Sertifikat - NON” ОАЖ ўз фаолиятида амалдаги қонунларга оғишмай риоя қилиш, махсулотлар сифатини аниқ-тўла ва ИСО – стандартлари талаби даражасида аниқлаб бериш;
- Ўз ходимлари малакасини ва техник асбоб анжомларни мунтазам такомиллаштириб бериш.

Вазият (ситуация)

“Sertifikat - NON” акционерлик жамияти бўлиб 1994 йилда акредитациядан ўтган бўлиб нон махсулотлар сифатини кафолатловчи сертификат бериш ҳуқуқини 1995 йилда қўлга киритган. Бундан ташқари жамият корхона ва ташкилотларга методик ва амалий ёрдам бериб келмоқда. Норматив техник ҳужжатлар тайёрлашда ва янги махсулот турини ишлаб чиқишда техник ва технологик ёрдам кўрсатиб келмоқда.

2001-2005 йилларда ишлаб чиқаришга жорий қилинган янги нон махсулотлари турлари.

Чизма №1



Манба: Ўздавстандарт журнали 2007. №1.

Чизмада келтирилган чизмада кўрамизки ҳар йили 10-30 гача янги турдаги нон махсулотларига сифат-сертификати бериб келинган.

Кўрсатилган хизматлар учун 5810.8 миллион сўмлик даромад қилинган. Бу давр ичида 6960 та нон махсулотлари сифатини кафолатловчи мувофиқлик сертификати берилган.

Лойиха топшириғи. Юқорида баён этилган вазиятдан келиб чиққан ҳолда “Sertifikat - NON” ОАЖ тактик масалаларни ҳал қилиши лозим бўлади.

- “Sertifikat - NON” ОАЖ – фаолияти истеъмолчилар мижозлар кутганидан ҳам юқори бўлиши керак;
- Фаолият турлари доимо мукамаллаштирилиб турилиши лозим;
- Хизмат кўрсатиш вақти ва унинг қиймати доимо пасайиб борилиши лозим;
- Хизмат юзасидан мурожаат қилувчи мижозлар доирасини кенгайтириш ва уларни қизиқтирувчи муаммолар ечимини излаб топиш;
- Келажакда жойларда ўз жамиятлари қарамоғидаги “шўба” шахобчалар очиш;
- Доимо “Sertifikat - NON” ОАЖ хизматлари қонуний, аниқ, тез, арзон ва халқаро ИСО – 9001 : 2000 ҳамда МЭК – 17025-1999 талабларига жавоб беришини таъминлаш;
- Мунтазам равишда ўз билим ва малакаларини ошириб боришлари лозим.

“Sertifikat - NON” ОАЖ фаолияти ҳақида айрим маълумотлар

Корхона ўз фаолиятини бешинчи йилига келиб 1999 йилда ИСО – 9000 сифат системасига батамом киришиш ва барча-синов тажриба ишларини янги техника ва технологияга асосланган холда олиб борди. 2000 – 2003 йиллар мобайнида миллий сертификат системасини халқаро ИСО – системаси билан уғунлаштириб юборди. Махсулотга сифат сертификати беришда ИСО/МЕК 17025-2000 талаблари устунлик қилади. 2003 йилда корхонанинг барча маънавий эскирган техникаси ўрнини энг замонавий техник анжомлар эгаллади. Янги асбоб анжомларни ишлашида аниқлик даражаси 10 – 100 маротаба аниқ ва тез бажариладиган бўлди.


Бу ислохотлар “Sertifikat - NON” ОАЖ корхонасининг энг тўғри йўл танланганлигидан дарак беради. Корхона ўзининг ички фаолияти аудит бўлими билан биргаликда сифат менеджери бўлими ташкил қилинди ва сифатни бошқариш гуруҳи ташкил қилинди. Шу билан бирга сифат бўйичи барча хат-хужжатлар ҳам ИСО серияси асосида юритила бошлади. СМга мувофиқ равишда ИСО 9002нинг барча талабларига оғишмай жавоб берилди, айниқса ҳар бир бўғим фаолиятида аниқлик бўлиши талаб қилинади.

Барча буюртмалар қабул қилишдан то унга сертификат беришгача бўлган жараёнлар рўйхатга олинадиган бўлди. Ҳар бир поғона учун унинг бажарувчиси, жавобгар шахси аниқланди. Бундай тартиб хизматни сифатини ошириш билан биргаликда, махсулот сифатига кафолат даражасини ҳам оширади. Шундай қилиб ташкилотимиз ИСО – 9002 билан берилган сифат сертификатини барча турларини мувоффақиятлик равишда йўлга қўйди ва миллий сертификат усулини ишлаб чиқдилар. Сифатни бошқариш бўйича методик қўлланма ишлаб чиқилди.

Сифат сертификатини яратилиши “Sertifikat - NON” ОАЖ олдида учта саволга аниқ жавоб беришни талаб қилади:

- Биздан истеъмолчи, мижоз, нимани хоҳлайди;
- Биз уларга нима бера оламиз;
- Мижозларимиз учун нима қилишимиз лозим, улар доимо биз билан қолишлари учун. Шу муносабат билан биз қатор тадбирларни амалга оширишимиз лозим бўлади.

"Sertifikat - NON" томонидан берилган сертификатлар



Чизма №2
 Нон махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун – ишончлик сифат сертификати олиш бугуннинг талабидир. Бу корхонани ўзига ишонган холда узок муддат давомида стабил фаолият юритишларини таъминлайди. Айнан ана шундай вазиятда Sertifikat - NON” ОАЖ ҳам ўзини келажаги ишончлик қўлларда эканига ишонади.

ИСО – 9000-2000 бу ҳақийқий сифат.

Чизма № 3

0	ИСО – 9000-2000 талабларига тўла жавоб бериши.	∞
1	Махсулот сифатини ошиши.	1%
2	Рақобатбардошликни ошиши.	2%
3	Бозордаги маъқеини ортиши.	3%
4	Товарни сотилиши хажмини ўсиши	4%
5	Махсулот ишлаб чиқаришни ортиши.	5%
6	Махсулот таннархини пасайиши.	6%
7	Иқтисодий самарадорликни ортиши.	7%

Хозирда ИСО - системасига мувофик сифат сертификатини эртанги куни хақида ҳам ўйлапти, бу доимо инвестицион ва инновацион соҳаларда актив иштрок этиш ва Ўзбекистон маркаси обрўсини оширишдир.

Халқаро ИСО - системаси талаблари асосида мувофиклик сертификати олинса махсулот сифати ва самарадорлик кўйидаги босқичларда намоён бўлади.

Манба: Магамедов М.Д., Рыбин А.В. Управлением качеством, в отраслях пищевой промышленности М. 2006. 9-25.

Чизмада акс эттирилган ҳар бир поғонадаги самарадорлик 1%дан ортиб борса умумий самарадорлик 28-30 %ни ташкил қилади. Бундай ҳулосага муаллифлар, АҚШ, Япония ва бошқа иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар тажрибасини Россияда олиб борилаётган ислохатлар билан таққослаб кўриш натижасида келганлар.


Демак ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ва бозорда сотувчи ўз олдида ИСО – системаси даражасидаги сертификатни олишга интилади.

5. “Сертификат - NON” ОАЖнинг мижозлари Сертификат – NON корхонасининг асосий мижозлари Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи (Республикамизнинг барча ҳудудларида):

- Йирик корхоналар;
- Кичик бизнес субъектлари;
- Якка тартибда фаолият юритувчи нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

6. Корхонанинг (“Сертификат - NON” ОАЖ) ишлаб чиқариш махсулоти. Нон ва нон махсулотлари сифатини кафолатловчи ИСО – 1900-2001 – системасига тўла жавоб берувчи сертификат беришдир.

Махсулот сифатини аниқлашда унинг норматив техник ҳужжатлари талаб даражасида бўлиши ва барча ахборот манбаси ва уни қайси усул билан аниқланишига назарий таъриф берган, М.Д Магомедов, А.В. Рыбинлар кўплаб тажрибалар асосида яратган ҳулосаларни чизма кўринишида ифодалаймиз.



Манба: Магамедов М.Д., Рыбин А.В. “Управление качеством” Москва 2006 44-45.

(2.2.)

Корхона ўз махсулотига мувофиқлик сертификати олар экан 4 – чизмадаги барча усулларга мувожаат қилган бўлади ва ижобий натижалар асосидаги барча ҳужжатлар корхонада сақланади ва бу корхонанинг фаолияти турлари сирасига киради.

Корхона ўз махсулотини норматив теник ҳужжатлар асосида сифат даражасини аниқлаб кўришлари лозим бўлади.

Масалан:

$$Q = \frac{K}{K_b};$$

Бунда: Q – сифат даражаси кўрсаткичи;


K – муайян махсулот сифатининг абсолют кўрсаткичи;

K_b – махсулот (эталон)нинг абсолют сифат кўрсаткичи.

Тажриба асосида олинган натижа $Q = 1$ бўладиган бўлса махсулот сифати эталон кўрсаткичга тенг бўлиб қолаверади, бу албатта ижобий натижадир.

Сифат даражаси $Q > 1$ ёки $Q < 1$ бўладиган бўлса, демак махсулот сифат даражасида ўзгариш юз берган.

Сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи уч омил. Чизма № 5



Ҳар уччала омилнинг умумий кесишган бир нуктаси борки, бу, сифат ва рақобатбардошлиқдир. Корхона махсулоти ҳар уччала ҳолат бўйича халқаро ИСО – стандартларига мос равишда олиб борилса нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини албатта топади.

Бу борада “Sertifikat - NON” ОАЖ билан рақобатлашувчи корхоналар мавжуд. Бу корхоналар ўзининг техникавий таъминоти билан фарқ қилиши мумкин. Масалан, махсулот сифатига баҳо беришда халқаро стандартлар талабини яратилишида “Бутун дунё соғлиқни сақлаш” (ВОЗ) уюшмаси тавсияномаси албатта инобатга олинади. Айрим техник жихозларнинг аниқлик даражаси жуда паст бўлади. ФЕК – 56 аппаратини имконияти озик-овқат таркибидаги антиоксидант миқдори 0,120 мг/кг бўлса бир суткалик давомида истеъмол қилиниши мумкинлигини кўрсатади. Амалда ушбу аппарат озик-овқат таркибидаги антиоксидант миқдорини аниқлай олмайди. Вахоланки, айрим тадбиркорлар ўз махсулотларини ташқи кўринишини, таъмини ва сақлаш муддатини узайтириш мақсадида, антиоксидант моддалар миқдорини бир неча баробар кўпайтириб юборадилар. Шунинг учун аниқлик даражаси жуда юқори бўлган анализаторлар ишлатилади, улар 10^{-5} дан 10^{-

¹⁷ даражасигача аниқликда ишлайди. Бундай усулда аниқланиши ва мувофиқлик сертификати бериш махсулотни саломатликка зарари йўқлигини билдиради.

Бу борада “Ўздавстандарт” уюшмаси мувофиқлик сертификати берувчи барча корхоналарни мунтазам равишда техник назоратдан ўтказиб туради.

Хозирги кунда нон ва нон махсулотларига қўшиладиган айрим тўлдирувчилар инсонлар саломатлиги учун хавфли ҳисобланади, шунинг учун уларнинг миқдорини аниқлашда айнан шу мақсад учун кераклик химикатлар, аппаратлар ва энг муҳими малакали ходимлар бўлиши шарт ҳисобланади.

“Sertifikat - NON” ОАЖ фаолияти бевосита бозор билан боғлиқ дейиш мумкин.

“Sertifikat - NON” ОАЖ томонидан кўрсатилган хизмат турлари.

Жадвал № 1

Йиллар	Нон ва булочка махсулотлари	Макарон махсулотлари	Қандолат махсулотлари
2003	369,3 мил. сўм	117,0 мил. сўм	16,5
2004	500,0 мил. сўм	303,0 мил. сўм	20,7
2005	160,0 мил. сўм	540,0 мил. сўм	500,0
2006	165,0 мил. сўм	926,0 мил. сўм	531,0
2007	176,0 мил. сўм	820,0 мил. сўм	480,0


Манба: “Sertifikat - NON” ОАЖ ҳисоботидан.


Юқорида келтирилган жадвалдан шуни аниқлаш мумкинки “Sertifikat - NON” ОАЖ корхонаси асосан нон ва булочка, макарон ва қандолат махсулотлари учун мувофиқлик сертификати берилган. Кўрсатилган хизматлар учун тўланган пул миқдори нон ва булочка махсулотлари учун йилдан йилга камайиб борган, 2004 йилда 500,0 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, 2007 йилда 175,0 миллион сўмга камайиб кетган. Макарон махсулотларига 2003 йилда 117,0 миллион сўмлик мувофиқлик сертификати берилган бўлиб 2007 йилда 820,0 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган. Қандолат махсулотлари бўйича 2003 йилда 16,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган, 2007 йилда 480 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган. Беш йилдаги ўсиш 29,0 маротабани ташкил қилиб, нон ва булочка махсулотлари бўйича 2,1 баробарга пасайиб кетган.

Ҳар уччала махсулот тури бўйича бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқотлари натижасини назарий жиҳатдан таҳлил қилсак, асосий сабаб макарон ва қандолат махсулотларининг айрим турлари импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган бўлганини кўрамиз. Бундай натижаларга эришиш махсулот сифатини баҳолашда халқаро ИСО талабларига тўла жавоб беришидадир. Яна бир сабаб, янги технологияни соҳага тадбиқ этилишидадир.

7. “Sertifikat - NON” ОАЖнинг бевосита бозор билан боғлиқлиги маркетинг бўйича таҳлилни тақазо этади ва SWOT анализни келтириб чиқаради. Нон ва нон махсулотлари, макарон махсулотлари ва қандолат товарлари бўйича бозор талабини ўрганилса ички бозорларимиздаги кучлик ва нозик тарафларини кўрамиз:

Чизма № 6





Нозик жихатлари

Йирик корхоналарнинг рақобат кураши; хомашё ва қўшимчаларни доимо бўлмаслиги, ассортиментни торлиги; ишлаб чиқариш айланмаларининг юқорилиги.

Истеъмол бозори SWOT анализи

“Sertifikat - NON” ОАЖ томонидан мувофиклик сертификатини олган нон ва нон махсулотлари, макарон махсулотлари ва қандолат товарларига бўлган талабнинг бозордаги ҳолати.

Жадвал № 2

№	Кўрсаткичлар	Тошкент шаҳрида	Вилоятларда
1	Талаб ҳолати	Юқори	Ўртача
2	Талабни таклифга мослиги	Ўртадан юқори	Ўртача
3	Рақобатчилик	Жуда юқори	Ўртачадан юқори

Нон – булочка, макарон ва қандолат махсулотларига бўлган талаб ҳолати. Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ҳолатга аниқ жавоб берилса, унинг барча ижтимоий-иқтисодий тарафлари инобатга олиниши зарур.

Тошкент шаҳрида талабни юқори бўлиши биринчи навбатда унинг сифати билан боғлиқдир. Иккинчидан унинг нархи бўлиши ҳаммага аён. Чунки маҳаллий хомашё ва замонавий технология сифат ва рақобатбардошликни ошириш билан таннархни маълум даражада пастлигини таъминлайди.

Юқорида келтирилган ахборот ва манбаларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги муаммоли ҳолатга баҳо бериш талаб қилинади. Вазиятдан тўғри фойдаланиш оқибатида катта иқтисодий самарага эришиш назарда тутилган;

1. Махсулот сифатини баҳоловчи “Sertifikat - NON” ОАЖ кўрсатадиган хизмат таннархи турдош корхоналарга нисбатан 1,5 %га юқори;
2. Махсулот сифатини кафолатловчи сертификат халқаро ИСО – талабига тўла жавоб беради;
3. Макарон махсулотлари сифатини кафолатлаш учун сарфланган 820,0 миллион (2007й) сўм умумий товар айланмасини 1,1 %ни ташкил қилган ҳолда соф фойдани 5 % ошишини таъминлаган;
4. Қандолат ттоварлари сифатини баҳолаш учун кўрсатилган хизматлар 2003 йилга нисбатан 2007 йилда 29,0 баробар ортгани товар айланмасига қандай таъсир кўрсатган?
5. Технология, хомашё, кадрлар малакаси, сифат ва рақобатбардошликка сарфланган ортикча маблағлар уч баробар ортиғи билан қайтарилган. Бу ерда энг асосий омил

махсулот сифати ва рақобатбардошлиги. Сифат ва рақобатбардошликни нима таъминлайди?

Билимларни чуқур ўзлаштиришга асосланган амалий машғулот

<i>Амалий машғулот режаси</i>	<p>1.Ўзбекистонда дон мустақиллиги борасида олиб борилаётган ишлар</p> <p>2.Дон экинларини синфий тузилиши</p> <p>3.Ун, унинг кимёвий таркиби</p> <p>4.Макарон маҳсулотлари</p> <p>5.Нон ишлаб чиқариш жараёни</p> <p>6.Ноннинг турлари</p> <p>7.Булочка маҳсулотлари</p> <p>8.Пархез нон маҳсулотлари</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Дон ва ун маҳсулотлари таркиби, сифатини назорат қилишни тушунтириш.
<i>Ўқув фаолиятининг натижаси</i>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистонда дон мустақиллиги борасида олиб борилаётган ишларни айтиб бера оладилар; • Дон экинларини синфий тузилишини айтиб бера оладилар; • Ун, унинг кимёвий таркибини айта оладилар; ● Макарон маҳсулотларини айта оладилар; • Нон ишлаб чиқариш жараёнини айта оладилар; • Ноннинг турларини айта оладилар; • Булочка маҳсулотларини айта оладилар; • Пархез нон маҳсулотларини айта оладилар;
<i>Мустақил ўрганиш учун топшириқлар</i>	<p><i>Топшириқ 1.</i> Мавзу бўйича топшириқлар билан танишинг.</p> <p><i>Эслатма:</i> Ўқув- услубий мажмуа (1.1.)</p> <p><i>Топшириқ 2.</i> Гуруҳда ишлаш қоидаларини ўрганиш (Чархпалак, хабарлашиб туриш усули).</p>

	Маълумот- ахборот материаллар(1.2.)(1.3.) <i>Топшириқ 2.</i> Мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида блиц-сўров саволларига жавоб бериш. <i>Эслатма:</i> Ўқув- услубий материаллар(1.2.) <i>Топшириқ 3.</i> Ўзини-ўзи назорат қилиш учун назорат саволларига жавоб бериш. <i>Эслатма:</i> Ўқув -услубий материаллар(1.3.)		
<i>Назорат шакли:</i> Кузатиш, оғзаки назорат	максимал балл	1	Ўқитувчи имзоси
	Талабага қўйилган балл		

**ЛОЙИХА РЕЖАСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ
УЧУН ЎТИЛГАН МАВЗУГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ АМАЛИЁТ БЎЙИЧА
ТОПШИРИҚЛАР**

1-гурух

1-топшириқ
1.Дон ва дон ўсимликларини синфий тузилишини айтинг. 2.Ун, унни синфий тузилиши, ассортименти ва сифат кўрсаткичлари ҳақида нималарни биласиз?

2-гурух

2-топшириқ
1.Нон ишлаб чиқариш ва унинг истеъмол хусусиятларини шаклланиши. 2.Нон турлари тўғрисида тушунча беринг.

3-гурух

3-топшириқ
1.Макарон маҳсулотларини таърифлаб беринг. 2.Булочка маҳсулотлари тўғрисида нималарни биласиз? 3.Пархез нонларни таърифлаб беринг.

4-топшириқ

1. Булочка махсулотларининг сифат кўрсаткичлари қандай аниқланали

1.2. «Блиц-сўров» жадвали сўров вақтида тўлдиради

№	Саволлар	Жавоблар
1	Ўзбекистонда дон мустақиллиги борасида олиб борилаётган ишлар	
2	Дон экинларини синфий тузилиши	
3	Ун, унинг кимёвий таркиби	
4	Макарон махсулотлари	
5	Нон ишлаб чиқариш жараёни	
6	Ноннинг турлари	
7	Булочка махсулотлари	
8	Парҳез нон махсулотлари	

1.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда дон мустақиллиги борасида олиб борилаётган ишлар
2. Дон экинларини синфий тузилиши
3. Ун, унинг кимёвий таркиби
4. Макарон махсулотлари
5. Нон ишлаб чиқариш жараёни
6. Ноннинг турлари
7. Булочка махсулотлари
8. Парҳез нон махсулотлари

МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ МАТЕРИАЛЛАР

1.1. Гурух бўйича баҳолаш мезонлари

Хар бир гуруҳ бошқа гуруҳларни баҳолайди. Хар бир талаб бўйича – 3,5 балл

Гуруҳ №	Тушунарли ва аниқ жавоб (1,5)	Кўрғазмали лик (1,0)	Регламен тга амал қилиш (0,5)	Гуруҳ фаоллиги (0,5)	Жами балл
1.					
2.					
3.					
4.					

Ҳисоб натижаси

Гуруҳлар №	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл
1.					
2.					
Умумий ҳисоб					
Баллари					
Баҳо					

Баҳо: 2,4 – 3,5 балл – аъло баҳо

1,3 – 2,3 балл – яхши баҳо

0 – 1,2 балл – ўрта баҳо

1.2. Чархпалак усулини қўллаш қоидаси.

Чархпалак усули
<ol style="list-style-type: none"> 1. Талабаларни 3-4 гуруҳга карточкалар ёрдамида ажратади. 2. Хар бир гуруҳ лидерини ўқитувчи ўзи танлайди. 3. Гуруҳга топшириқларни тарқатади. 4. Барча гуруҳ топшириқларни бажариб бўлгандан сўнг, гуруҳ топшириқларини бир – бири билан алмаштиради 3 марта 5. Гуруҳ аъзолари топшириқларни бажариб бўлгандан сўнг, топшириқлар биринчи ҳолатда ўз гуруҳларига топширилади. 6. Гуруҳдан ўқитувчи танлаган талаба презентацияга тайёрланади.

1.3. Хабарлашиб ўрганиш усули қоидаси

- 1.Саволларга ўйлашиб жавоб беришни сурайди.
- 2.Талабалар 4-5 гуруҳга ажратилади.
- 3.Ҳар бир гуруҳдан экспертларни аниқлашни сўрайди.
- 4.Экспертлар биттадан савол бўйича гуруҳ аъзоларни таништириши керак.
- 5.Экспертлар варағини тарқатади ва гуруҳда ишлашни ташкил этади.
- 6.Экспертлар презентация қилиш кераклигини маълум қилади.
- 7.Маслаҳатчи ўрнида шарҳлайди, аниқлик киритади.
- 8.Презентацияни яқунлаб, ҳар бир гуруҳга ҳар бир савол учун хулосалар қилади.

II. Талабалар учун методик кўрсатмалар.

Муаммо:

Сифат ва рақобатбардошликни таъминлашда халқаро ИСО – 9000-2001 стандартларини ўрни.


Ечимини топиш лозим бўлган масалалар.

- Корхонанинг имкониятларини излаб топиш;
- Нон ва нон махсулотларини янги турларини яратиш;
- Макарон махсулотларини янги турларини яратиш ва унинг муаммолари;
- Қандолат товарлари ишлаб чиқишда халқаро ИСО – стандартларини қўллаш;
- “Сертификат - NON” ОАЖнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш.


Қарор қабул қилишда ечими топилиши лозим бўлган муаммолар турлари.

Махсулот камчиликларини бартараф қилишга сарфланган харажатларни қоплаш муддати.³

Чизма № 7



³ Кане М.М. Иванов Б.В. Корешков В.Н. Системы, методы и инструменты менеджмента качества. Москва 2008г. 549 ст.



Чизма.№ 8 Ишлаб чиқаришда сифатни оптимал даражасини ифодалаш.

Очиқ иқтисодийёт жараёнларига тайёрланиш борасида халқаро ИСО сериялари ва (ЕН) Европанинг 29000 сериясига мос равишда сифат назорати ўрнатилди бошланди.

Бу стандартлар барча назоратлардан устивор бўлиб миллионлаб истеъмолчилар ҳуқуқларини химоялашда кафолат бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги № 8 чизмадан шуни кўришимиз мумкинки маҳсулот нуқсонларини бартараф қилиш учун сарфланган \$ 1910 доллар, оддий корхонанинг нуқсонлик маҳсулотини 50% камайтириш уч ойга етмай сарф харажатлар ўрнини қопланар экан. Кўп йиллик тажриба асосида амалга ошган бу усул маҳсулот нуқсонларини камайтириш учун сарфланган ҳар бир доллар корхонага 4,5 доллар бўлиб қайтар экан.⁴ Бу корхона раҳбарларига қандай лойиха ва харажатларга маблағ ажратишда жуда қўл келади. Самарадорлик доимо ($C > 0$) нолдан юқори бўлиши кафолатланган.


Маҳсулот сифат даражасини оптималлаштириш ва харажатлар

Маҳсулот сифатини оптималлаштириш учун турли миқдорда харажат қилиш мумкин. Лойиха даврида йўл қўйилган хатоликни тузатиш учун 1 доллар маблағ сарфланса, бу лойиха ишлаб чиқаришга жорий қилингандан сўнг корхонага 1000 долларлик зарар келтиради. Агарда бу маҳсулот истеъмолчиларгача етиб борса унинг иқтисодий зарари билан бирга ижтимоий зарарлари намоён бўла бошлайди.

Қуйидаги чизмада (№ 9). Маҳсулот сифат даражаси бу истеъмол қийматини белгилайди.

Чизма № 9

⁴ Кане М.М. Иванов Б.В. Корешков В.Н. Системы, методы и инструменты менеджмента качества. Москва 2008 г. 549 ст.



Махсулот сифат даражасини оптималлаштириш ва харажатлар

Чизмада истеъмол қийматини $Ц_n$ – билан белгиланган, $З_n$ – харажатлар жами, харид қиймати $З_э$ – билан, сифат даражаси $К_1$ билан белгиланган:

$$\frac{З_n(K)}{K} > \frac{Ц_n(K)}{K}$$

Бу ерда оптимал даражада сифат кўрсаткичи доимо махсулотнинг истеъмол қийматидан юкори юради. Навбатдаги чизмада (). Махсулот сифат даражасини уч фаолиятга боғлиқлиги.

(K) – сифат даражаси;

$П(K)$ – фойдалилиги;


$З(K)$ – харажатлар;

$ΔЭ(K)$ – фарқлилиги;


$ΔЭ(K) = П(K) - З(K)$.

Демак № чизмадаги $К_2$ оптимал сифат даражасини ифодалайди. Сифат даражасининг оптимал кўрсаткичи $К_{оп}$ – доимо махсулот сифат кўрсаткичидан юкорида юради.

Ишлаб чиқариш давридаги оптимал сифат кўрсаткичи $К_{ои}$ ва қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган. (чизма № 10)



Бу ерда $K_{\text{оп}}$, $\text{П}(K)$ ва $\text{З}_n(K)$ нинг фаркидан келиб чиқади. $K_{\text{оп}}$ эса $\text{П}(K)$ ва $\text{Ц}_n(K)$ нинг фаркидан келиб чиқади. Махсулот ишлаб чиқаришда сарфланиши мумкин бўлган харажатларини назарий асослари № 11 чизмада ифодаланган.




Ишлаб чиқаришдаги назорат сусаядиган бўлса нуқсонлар кўпаяди ва сифат даражаси кескин пасайиб кетади.

Ишлаб чиқарувчиларга сифатни назорат қилиш бўйича харажатлар тури: 1 – превентив харажатлар; 2 – сифатни баҳолаш учун харажатлар; 3 – брак махсулот ҳисобига йўқотишлар; 4 – умумий харажатлар. Ушбу чизмада сифатни яхшилаш бўйича қандай ишлар олиб борилишини кўрсатади. Сифатга сарфланадиган харажатларнинг 50 %ни брак махсулот

ташкил килади. Демак браксиз ишлаб чиқаришнинг ўзи махсулот сифат даражасини 50 %га оширар экан.

Махсулот нуқсонларни ўрганишга ҳам халқаро (ИСО – 8402 : 2004, п. 2.11) стандартлар асосида классификацияланишини белгилашимиз лозим бўлади.⁵

Чизма № 12



Кейс – муаммосини ечимини топишда махсулот сифати ва уни истеъмол қиймати масалалари ўртага ташланган.

Муаммони ечими асосан иқтисодий самара билан боғлиқ бўлишига қарамай, унинг ижтимоий тарафларига ҳам жиддий этибор берилса талабларимизнинг фикрлаш доиралари янада кенгайиши назарда тутилган.

⁵ Николаева М.А. Товароведение потребительских товаров. Теоретические основы. Москва 1998. 283ст.

**Барча назорат турлари учун (ЖН, ОН, ЯН) тайёрланган
топшириқлар**

“Сифат менежменти” фанидан якуний назорат саволлари

1. “Сифат менежменти” фанининг ахамияти, предмети ва вазифалари
2. Сифат тушунчаси.
3. Маҳсулот сифати нима ва уни қандай бахоланади?
4. Сифат қандай кўрсаткичлар билан аниқланади?
5. Сифат кўрсакичларини аниқлаш усуллари?
6. Рақобатнинг қандай турлари мавжуд?
7. Рақобатбардошлик нима ва у қандай аниқланади?
8. Сифатни оширишнинг асосий йўналишлари?
9. Рақобатбардошликни бошқаришга ёндашишнинг қандай жихатларини биласиз?
10. Япониянинг маҳсулот сифатини бошқариш тизимлари.
11. Рақобатбардошликнинг қандай кўрсаткичларини биласиз?
12. АҚШ фирмаларида сифатни бошқариш тизими.
13. Сифатни бошқариш тизимлари.
14. Сифатни бошқариш.
15. Сифатни мақбул (оптимал) даражаси.
16. Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари.
17. Стандартлаштиришнинг маҳсулот сифатига қиладиган таъсири.
18. Маҳсулотнинг хаётийлик цикли.
19. Маҳсулот сифати кўрсаткичлари.
20. Маҳсулот сифатини оширишнинг асосий йўналишлари.
21. Стандартлаштириш – маҳсулот сифатини ташкилий-техникавий асоси.
22. Стандарт нима?
23. Стандартлаштириш деганда нимани тушунилади.
24. Ўзбекистонда маҳсулот сифатини бошқариш соҳасида олиб борилаётган ишлар.
25. Сифат менежменти фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

26. Сифатни бошқаришда норматив ҳужжатларни ўрганиш.
27. Сифатни бошқаришда стандартлаштириш ва унинг аҳамияти.
28. Рақобатбардошлик нима ва унинг аҳамияти. Рақобат усуллари қайсилар?
29. Маҳсулот сифати нима?
30. Рақобат усуллари.
31. Сифат кўрсаткичлари.
32. Маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлиги, улар ҳақида тушунча.
33. Сифатни бошқариш тизимлари.
34. Баҳога оид рақобат усуллари.
35. Техника ва технологиянинг сифатни бошқаришдаги ўрни.
36. Стандартлаштириш агентликларининг асосий вазифалари.
37. Сифатни бошқаришда стандартлаштиришнинг ўрни.
38. Сифатни бошқариш тизимлари.
39. Баҳога оид бўлмаган рақобат усуллари.
40. Халқаро ИСО-стандартлари системаси.
41. Стандартлаштириш ва сифат.
42. Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари.
43. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш қўмиталари ва давлат қонуни.
44. МДХ стандартлари.
45. Стандартлаштиришнинг назарий негизи.
46. Маҳсулот сифатини бошқариш жараёнлари.
47. Рақобат усуллари.
48. Сифат кўрсаткичлари.
49. Маҳсулот сифати учун сарф харажатлар миқдори. Харажатларни сифат даражаси билан боғлиқлиги.
50. Ўзбекистон Республикаси стандартлари.
51. Стандартлаштиришнинг илмий асослари.
52. Маҳсулотни бошқариш объекти.
53. Сифатни бошқаришнинг Япония тажрибаси.
54. Маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлиги.

- 55.Халқаро ИСО стандартлари системаси.
- 56.Махсулот сифатини бошқариш тарихи.
- 57.Махсулот сифатини бошқариш усуллари.
- 58.Махсулотлар сифатини сохталаштириш ва унга қарши кураш.
- 59.Сифат халқаси ҳақида маълумот беринг.
- 60.Кадрлар малакаси ва махсулот сифати.
- 61.Истеъмолчилар талабини қондириш нима?

«СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ» фанидан ёзма иш вариантлари

Вариант – 1

1. Махсулот сифатини бошқариш фанининг аҳамияти, предмети ва вазифалари.
Калит сўзлари: сифат, ИСО, МЭК, метрология, товар, корхона, фирма, стандарт.
2. Давлат эталонлари. Ички эталонлар, уларнинг аҳамияти ва вазифалари.
Калит сўзлари: давлат эталонлари, ички эталонлар, меёрий ҳужжатлар, сифат даражаси.
3. Ўзбекистонда махсулот сифатини бошқариш соҳасида олиб борилаётган ишлар.
Калит сўзлари: Ўзстандарт, метрология, сертификат, мувофиқлик сифат менежменти.

Вариант – 2

1. Махсулот сифатини бошқариш фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
Калит сўзлари: товаршунослик, патентшунослик, стандартлаштириш, метрология.
2. Сифатни бошқаришда норматив ҳужжатларни ўрганиш.
Калит сўзлари: норматив техник ҳужжатлар, лойиха, намуна, эталон.
3. “Ўздавстандарт” ташкилотининг тарихи, асосий вазифалари.
Калит сўзлари: сертификатлаш, стандартлаштириш, Ўрта Осиё метрология хизмати.

Вариант – 3

1. Ишлаб чиқариш унумдорлиги ва махсулот сифати.

Калит сўзлари: сифат, ИСО, МЭК, метрология, товар, корхона, фирма, стандарт.

2. Сифатни бошқаришда стандартлаштириш ва унинг аҳамияти.

Калит сўзлари: сифат, ИСО, МЭК, метрология, товар, корхона, фирма, стандарт.

3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимояланиши.

Калит сўзлари: давлат қонуни, норматив ҳужжатлар, жамият, махсулот сифати.

Вариант – 4

1. Махсулот сифатини бошқариш. Хориж тажрибаси.

Калит сўзлари: Ўзстандарт, ИСО – 9000, МЭК, Япония, АҚШ, Германия, Демминг.

2. Рақобатбардошлик нима ва унинг аҳамияти. Рақобат усуллари қайсилар?

